Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон компартиясининг 40 йиллиги олдидан

ПАХТАМИЗ—БАХТИМИЗ

Ҳар туп ғўзани меҳр билан парвариш қилайлик!







БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 96 (2644) | Якшанба, 17 май 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.

Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Политотдел» колхозининг «III Интернационал» участкаси пахтакорлари мавсумда гектарлардан 32 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун кураш олиб бормоқдалар. Ғўза ниҳолларига сифатли ишлов берилиб тўйдириб озиқлантирилаяпти. Суратларда: (чапдан) 1. Илғор механизатор Ёқуб Бегматов ғўза қатор ораларига биринчи ишлов беришни тугаллади. 2. Ғўза культивацияси пайти. 3. Участка бошлиғи Ли Ен-Хва ва трактор чи Самар Мирзаҳўжаев ўртоқлар ишлов берилган майдонни кўздан кечирмоқдалар.

В. Салов фотолари.

ҚИРҚ ЦЕНТНЕРЧИЛАР

Ўтган йили ютуқларни қўлга киритиб, ҳаммани қойил қолдирган машъал оққўрғонлик пахтакорлар бу йил қирқ центнерчилик ҳаракатини дадил бошлаб юбордилар. Ҳозир бу ҳаракат бошқарма хўжаликларига, бригадаларига ва комплекс механизациялашган тюпкочи звеноларга кенг ёйилмоқда. Карл Маркс номли колхознинг Исмат Беркинбоев, Мусурмон Бобоқулов, Энгельс номли колхозининг Вали Қосимов, «Победа» колхозининг Димитрий Югай, «Москва» колхозининг Муслим Тафиев, Мамат Номозов каби ўртоқлар бошчилик қилаётган звеноларнинг пахтакорлари олтин кузга бориб ҳар гектар ердан камида қирқ центнердан «оқ олтин» йиғиб-териб олишга қатъий сўз бердилар.

Айниқса ўртоқ И. Беркинбоев бошлиқ звено аъзоларининг ҳиммати баланд. Улар пландаги 21 центнер ўрнига 40 центнердан пахта ҳосили етиштиришмоқчи. Звенонинг ҳамма майдонига белгиланган миқдорда уруғ ташлайдиган сеялкалар билан чигит экилди. Ҳозир мурғак ғўзалар қулф уриб ўсяпти. Пахтакорлар ҳар бир туп ўсимликка ўз меҳрларини сингдирмоқдалар. Звеноларга бошчилик қилаётган тракторчилар ғўза қатор ораларига икки томонлама ишлов беришда бошқаларга ўрнак бўлишяпти.

Бошқармадаги Димитров номли колхозда мавжуд 850 гектар майдонга экилган чигит бир текис унди риб олинди. Ҳозир дала ишлари қизғин боряпти. Ҳамманинг фикри-зикри пахта ҳосилдорлигини ўтган йилдагидан икки центнер оширишга ва 32 центнерлик маррани эгаллашга қаратилган. Ўртоқ Ч. Холиқулов бошлиқ бригадада ўтган йили 32 центнердан хирмон кўтарилган эди. Бу йил бригада аъзолари 40 центнерлик маррани кўзлаяптилар.

Ишчан механизатор ўртоқ З. Арслонов ҳар куни 4—5 гектар майдонни сифатли культивация қиляпти. Ғўзани ягона қилишда Р. Жумабоев, Ш. Тулебов, А. Коштаев ва Г. Бозорқулова ўртоқлар зўр ғайрат билан ишламоқдалар.

Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг Мурожаатидан руҳланган Д. Жалилов, И. Эргашев ва А. Цой ўртоқлар бошлиқ бригадаларининг деҳқонлари ҳам ғўза парваришини кун сайин авж олдирмоқдалар.

И. СУЯРҚУЛОВ,
С. БЕКТОЕВ,
А. ХОЛХЎЖАЕВ,

МЕХАНИЗАТОР

Биз уни кузу-қишнинг аччиқ изғиринларига бардош бериб, қадоқ қўллари билан қудратли техника рулини мустаҳкам ушлаб, она ер бағрини юмшатаётганда кўрамиз. Биз уни ғўзал навбаҳор фаслида эзгу ният билан шу она ер бағрига сара уруғ ташлаётганда, саратон жазирамасининг тиғида туриб, ҳар туп ғўзани кўз қорачиғидай асраб, она меҳри билан парвариш қилаётганда, ҳосил пишиб етилиб, ўзини кўз-кўз қилган чоғ «зангори кема»лар бункеридан хирмонларга тоғ-тоғ «оқ олтин» уюлганда кўрамиз.

Ҳа, шундай. Механизатор — деҳқонларнинг авангарди, жанговар отряди. Оғир меҳнатни кишилар елкасидан улоқтириб ташлаган, омоч, кетмон ишини қудратли техника зиммасига юклаган, кам меҳнат сарфлаб, мўл ҳосил етиштиришдек тўғри йўлни кўзлаган механизатор. Механизатор қишлоққа янгилик олиб келаётган, деҳқон оғирини енгил қилаётган киши. Механизатор билан дўст бўлган, механизациянинг қадрига етаётган деҳқоннинг иши ўнгидан келади хирмони баракали, рўзғори бут, обрў-эътибори баланд бўлади. Шу туфайли поёнсиз карталарда «оқ олтин» дурдоналар, олтин бошоқлар, хилма-хил ноз-неъматлар етиштирмоқдамиз. Энди ҳар бир деҳқон ўғил ва қизининг механизатор бўлишини орзу-ҳавас қилади. Қалбимиздаги энг ҳароратли сўз ва ҳурматимиз механизатор га, Ўнимизнинг тўри механизатор га.

Мана, тун чодирини йиғиб сўлим кумуш тонг шабадаси енгил эсганда, икки-уч чинбарг чиқарган ғўзалар шу шабадада аста тебраниб, кенг пайкалларга ажойиб файз бахш этганда қадрдон далалар бағри устида универсаллар овози парвоз қилакетди. Хўв абжир йигитнинг нияти бутун. Сезгир кўзлари дам олга тикилиб, дам ортда яшнаб қолаётган ғўзаларга бир олам меҳр билан боқади. Ҳар туп ғўза унга бамисоли фарзанд. У ҳар туп ғўзани меҳр билан парвариш қиларди.

Нега у шу қадар жонсарак, нега у шу қадар касбига меҳр қўйган. Чунки у ўзига топширилган вазифанинг нақадар масъулиятли эканлигини юракюракдан ҳис қилади. Чунки у шу она-ерга ҳаёт, экинга жон бахш этиб, Ватанга тонна-тонналаб «оқ олтин» армуғон этиш ўзининг жавобгарлигида эканлигини билади.

Биз юқорида абжир йигит ҳақида фикр юритдик. Бу абжир йигит республикамизгагина эмас, бутун мамлакатимизга донг таратган Валентин Афанасьевич Тюпко эди. Деҳқонларнинг энг яқин дўсти, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш учун тинмай ғамхўрлик қилиб келаётган қадрдонимиз Никита Сергеевич Хрушчев таъбири билан айтганда қишлоқ хўжалигининг новатори бўлган машҳур механизатор эди.

Валентин Тюпко чиндан ҳам ишининг кўзини биладиган, билимдон, механизациянинг кучига, қудратига ишонган ва буни амалда исбот этган қаҳрамон йигит. У биринчилар қатори кетмонни улоқтириб ташлаб, этакнинг баҳридан кечиб, мўл «оқ олтин» ҳосили етиштирди. Механизация унга мададкор бўлди. Ўзи шудгор қилди, чигит экди, ўзи шу техника ёрдамида ғўзасини авайлаб парвариш қилди, ҳосилни «зангори кема» билан териб, элга тортиқ қилди. Натижа нима бўлди? Механизациянинг кучига, унинг фойдасига ишончсиз қараган кишилар бир центнер пахта етиштириш учун 20—25 сўм пул сарфлаган бўлсалар, Тюпконинг звеносида дастлабки йилнинг ўзидаёқ 10 — 12 сўмдан ошгани йўқ. Ҳосил ҳам механизацияга ишончсизлик билан қараган баъзи звено ва бригадалар олган ҳосилдан ортиқ бўлса бўлди-ю, кам бўлгани йўқ. Мана, механизациянинг шарофати, мана механизаторнинг чинакам ватанпарварлик бурчи!

Валентин Афанасьевич илгари ўзи ишлаб келган серҳосил ерларни дўстларга ташлаб «Оқ кўргон» совхозида камҳосилли ерларни унумдор ерларга айлантириш йўлида курашаяпти. Ҳа, энди унинг областимизда, республикамизда юзлаб, минглаб шогирдлари бор, издошлари бор.

Механизатор, деганимизда ўзбек халқининг фахрли қизи, ҳар йили эл хирмонига «зангори кема» бункеридан тонна-тонналаб «оқ олтин» тўккан, бригадага ўзи бошчилик қилиб, йилдан-йилга мўл ҳосил етиштираётган, худди Валентин Афанасьевич каби мамлакатимизда донг чиқарган янгийўллик Турсуной Охунова, ҳар икки новаторнинг илк шогирдлари сирдарёлик Жавод Кўчиев Инобат Охунова, бўкалик Саодат Гулаҳмедова, бекободлик Усмонов, фарғоналик Мели Кўзи Умрзоқовлардек ғайратшижоати жўш урган, қалби юксак ватанпарварлик туйғуси билан қайнаб-тошган ўлаб, юзлаб олижаноб механизаторларимиз сиймоси кўз олдимизда намоён бўлади.

Энди ҳеч кимга сир эмас. Деҳқончилик маданиятини юксак даражага кўтараман, ўзимни оғир қўл меҳнатидан халос этаман, етиштираётган ҳосилимга кам маблағ сарфлаб мўмай ҳосил оламан, деган деҳқон механизация ва унинг эгаси механизаторга қадрдон дўст бўлиши, ҳамкор бўлиши лозим. Механизаторларни дадиллик билан тюпкочи, кўчиевчи звеноларга, трактор-далачилик бригадаларига бошлиқ қилиш керак.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь ва февраль Пленумлари қарорларида ва ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг доклад ва нутқларида қишлоқ хўжалигини интенсивлаш масаласи ҳозирги кундаги энг биринчи даражали масала қилиб қўйилди. Бу деган сўз —деҳқончиликда, чорвачиликда фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни кенг ёйиш, химия воситаларидан самарали фойдаланиш билан бирга қишлоқ хўжалигини бундан буён тўла механизациялаштириш деган сўз. Бу деган сўз—қишлоқ хўжалиги маҳсулотларн етиштиришда кам маблағ сарфлаган ҳолда мўл ҳосил етиштириш ва коммунизмнинг моддий-техника базасини эртароқ бунёдга келтириш, халқимизнинг ҳозиргидан кўра ҳам фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш деган сўз.

Шундай экан, областимиз ишлаб чиқариш бошқармалари ва партия комитетлари, колхоз правленнелари ва совхоз дирекциялари раҳбарлари қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаштиришга, тюпкочи, турсунойчи, кўчиевчи новатор механизаторлар сафини тобора кенгайтиришга эътибор беришлари керак. Механизаторларга ҳар тарафлама қулай иш шароити яратиб беришлари, доимо меҳнатга рағбатлантириб туришлари, шунингдек баъзи антимеханизаторларга кескин зарба беришлари лозим.

Ўзбекистон партия ва ҳукумати республикадаги барча меҳнаткашларга қарата ёзган мурожаатида механизация ва механизаторлар ролига жуда юксак баҳо берди:

«Бу йил донгдор механизаторлардан Турсуной Охунова, Валентин Тюпко ва Жавод Кўчиевларнинг тажрибасидан фойдаланиш асосида республикада 3 мингдан ортиқ комплекс механизациялаштирилган пахтачилик бригадалари тузилди. Булар— меҳнат унумдорлигини ошириш, мўл ҳосил етиштириш, маҳсулот таннархини камайтириш учун курашда катта кучдир. Биз ана шу бригадаларнинг раҳбарларини ва аъзоларини мўл ва арзон пахта учун фидокорона кураш олиб боришда чинакам намуна кўрсатишга чақирамиз».

Механизатор ўртоқлар, қани ана шу жанговар чақириққа жавобан пахта майдонларида жавлон уринг, мўл ҳосил учун чинакам қурашинг! Механизатор меҳнатини қадрлайлик. Деҳқончиликнинг бундан сўнгги тараққиёти, истиқболи механизацияга, моҳир механизаторларимизга боғлиқ. Ҳар биримиз машиналар тилини яхши билайлик, уни бемалол бошқараолайлик. Колхоз раиси, совхоз директори, партия ходими, бошқарма раҳбарлари, бригада, звено бошлиқлари биргина ишчан ходимлар, деҳқончиликни биладиган кишилар эмас, шу билан бирга механизмлар ва машиналарни яхши бошқарадиган, янгилик учун ҳақиқий курашчилар ҳам бўлсинлар.

ПАХТАЗОР ХАБАРЛАРИ

ЯНГИЙЎЛ. Гектаридан 33 центнердан «оқ олтин» етиштирамиз! Ана шундай шиор остида меҳнат қилаётган Карл Маркс номли колхознинг Ашир Қурбаматов бошлиқ бригада аъзолари 55 гектар ердаги ғўза ниҳолларини сифатли парвариш қилмоқдалар. Ғўзаларга ишлов беришда намуна кўрсатаётган механизатор ўртоқ Мирза Ортиқов ўз агрегати билан кунда 6—7 гектар майдонга ишлов бермоқда.

Р. ИСЛОМОВ.

* * *

ОҚҚЎРҒОН. «Ленинград» колхози пахтакорлари мавжуд 370 гектар ерга чигитни 8 ш кунида сифатли экиб бўлишганди. Экиш олдидан уруғлик НРВ ва янтарь кислотаси билан пиркалди. Ҳозир колхознинг барча майдонлардаги ғўзалари барқ уриб ўсяпти. Қатор бораларига ишлов бериш қизитилмоқда. Янги ташкил этилган, механизаторлар бошчилик қилаётган 8 звенода ғўзалар аёниқса намунали парвариш қилинаяпти. Пахтакорлар гектарлардан 40 центнердан ҳосил кўтариш юзасидан зиммаларига олган мажбуриятларини республикамизнинг шонли юбилейи кунига бажариш учун фидокорлик билан ишламоқдалар.

М. БОЛБЎТАЕВ.

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ ЯПОНИЯ БОШ МИНИСТРИГА МАКТУБИ

Японияда меҳмон бўлиб турган СССР Олий Совети делегациясининг бошлиғи СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян делегация Япония бош министри Х. Икэда билан учрашган вақтда унга СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев мактубини топширди.

Мактубда айтиладики, кейинги 3 йил ичида дунёдаги вазият яхшиланди — халқаро кескинликни маълум даражада юмшатишга эришилди. Бу соҳада уч муҳитда ядро синовларини тақиқлаш тўғрисидаги Москва шартномасининг тузилиши сўзсиз катта роль ўйнади. Бу шартномага Япония ҳам қўл қўйди.

Шу нарса муҳимки, деб таъкидлайди Н. С. Хрушчев, давлатлар ўртасидаги муносабатларда ишончсизлик ва мустаҳкамланди ва бу соҳада сарфланадиган куч-ғайратни қўпайтириш учун қулайроқ шарт-шароит вужудга келди. Совет ҳукуматининг бошлиғи ишонч билдириб айтдики, халқларнинг ҳаётий манфаатлари умумий тинчликни мустаҳкамлаш учун янада кўпроқ таъсирли тадбирлар кўришларини қатъий талаб қилмоқда ва СССР билан Япония ҳам бу олижаноб ишга ўз ҳиссаларини қўшишлари мумкин ва лозим.

Н. С. Хрушчев мактубида айтиладики, Совет Иттифоқи билан Японияда қуролланиш пойгасини тўхтатишга, ядро қуролини тугатишга, инсоният жамияти ҳаётида урушларни йўқотишга ёрдам бериш мақсадида ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятлар ва кенг база бор. Н. С. Хрушчев ёзадики, Совет Иттифоқи ва Япония биргаликда ёки бир-бирлари кўришларини қатъий талаб қилмоқда ва бу баёнотда тинчликка умумий интилиш ифодаланса ҳамда ядро қуролига эга бўлган ҳукуматларга мурожаат қилиниб, ер ости ядро синовларини дарҳол тўхтатишга даъват этилса, фойдали иш қилинган бўлур эди.

Совет ҳукумати, дейилади мактубда, ўз-ўзидан маълумки, Япония ҳукуматининг тинчликни мустаҳкамлашга ва, аввало, Узоқ Шарқ районида хавфсизликни таъминлашга қаратилган ҳар қандай таклифларини кўриб чиқишга тайёрдир. Совет ҳукуматининг бошлиги Совет Иттифоқи билан Япония ўртасидаги муносабатларни узил-кесил нормаллаштириш тарафдори эканлигини айтди.

Н. С. Хрушчев Совет Иттифоқи билан Япония ўртасидаги муносабатлар кейинги йилларда қулай йўналишда ривожланаётганлигини кўрсатиб ўтади. Бироқ, Совет-Япония муносабатларини ривожланаётганлигини кўрсатиб ўтади. Бироқ, Совет-Япония муносабатларини ривожлантиришда янада олға бориш керак. Бунинг учун имкониятлар ҳали жуда кўп. Савдо-сотиқ муносабатларининг, маданий ва илмий алоқаларнинг янада ривожлантирилиши, Совет Иттифоқи билан Япония давлат арбоблари ва жамоат арбоблари ўртасидаги алоқаларнинг кенгайтирилиши, шубҳасиз, ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ишончни ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ишини анча олға силжитишга ёрдам берган бўлур эди.

Н. С. Хрушчев Япония бош министри ўзига қулай бўлган вақтда Совет Иттифоқига расмий визит билан ёки дам олиш учун келади, деб умид билдирди.

Н. С. Хрушчев мактубининг охирида: ҳар иккала мамлакатнинг олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги алоқаларнинг мустаҳкамланиши ҳамда парламент делегацияларининг юбориб турилиши Совет-Япония муносабатларини янада яхшилашдан иборат муҳим ишга хизмат қилади, деб ёзади. (ТАСС).

ЮБИЛЕЙНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ

Оҳангарон кончиларининг янги мажбурияти

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан «Средазуголь» комбинатига қарашли Оҳангарон кўмир разрези ва 9-шахта ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективлари зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятларни олдилар.

Кўмир разрези коллективи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақани кучайтириб, кўмир қазиб чиқариш бўйича 10 ойлик планни 24 октябргача ado этиш ва топшириққа қўшимча 55 минг тонна ёқилғи қазиб чиқариш мажбуриятини олди. Меҳнат унумдорлиги планда кўрсатилганидан бир процент оширилади ҳамда бир тонна кўмир таннархи пландагидан 0,9 процент арзонлаштирилади. Кончилар 1 ва 2-участкаларда лентали конвейер линияларини автоматлаштиришни кўзда тутмоқдалар. Ишлаб чиқариш ҳаражатларининг камайтирилиши эвазига 50 минг сўмлик маблағ тежалади. Бу маблағ катта химия умумхалқ фондига берилади.

Кўмир разрезининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективи шаҳарни ободонлаштириш ва меҳнаткашларнинг турмуш шароитини янада яхшилашда актив иштирок этишга қарор қилдилар. Ҳозирнинг ўзидаёқ 13-болалар боғчаси кенгайтирилди, ёзги комплекс спорт майдончаси қурилди, 7 минг туп дарахт кўчати экилди, жамоатчилик боғи кенгайтирилади.

Яқин келажакда 200 квадрат метр майдонда гулхона ташкил этилади. Корхонага қарашли автомобиль йўллари ва тротуарлар капитал ремонтдан чиқарилади. Кон ходимлари касаба союзи область комитети билан ҳамкорликда кўмирчилар профилакторийси қурилишини тезлаштирадилар. Янги шаҳарда иккита болалар майдончаси, битта спорт майдончаси қуришга қарор қилинди. Ёзги соғломлантириш болалар боғчаси кенгайтирилади. Разрез кончилари ўз оталикларидаги мактаб-интернатга яқиндан ёрдам бериш, Янги шаҳарда пионерлар хонасини очиш ва уни жиҳозлаш мажбуриятини олдилар.

* * *

9-шахта коллективи илгари олган социалистик мажбуриятини муддатидан илгари ado этди ҳамда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик юбилейи шарафига янги марраларни белгилади.

Йиллик плондан ташқари 245 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Кўмир қазиш ва бошқа муҳим техник кўрсаткичлар бўйича йиллик план 17 декабргача ado этилади. Декабрь ойида топшириқдагидан ташқари 35 минг тонна кўмир қазиб чиқарилади. Юбилей кунига қадар планда кўзда тутилганидан 30 минг тонна кўп ёқилғи тайёрланади.

Шахтёрлар меҳнат унумдорлигини плондагидан 2,5 процент оширишга қарор қилдилар. Кўмир қазиш таннархи 1,5 процент камайтирилиб, катта химия фонди учун 100 минг сўмлик маблағ тежалади.

Шахта коллективи ишлаб чиқаришга 50 та рационализаторлик ва ихтиролчилик таклифини жорий қилишни кўзламоқда. Бу тадбир амалга оширилса, ҳар йили 30 минг сўмлик иқтисодий тежамга эга бўлиши мумкин.

Янги шаҳар кварталларидаги мавжуд болалар майдончалари ремонт қилинади, яна бир янги майдонча қурилади, болалар боғчаси кенгайтирилиб, шаҳардан ташқарида туристик база бунёд этилади.

АЛМАШИНАДИГАН САҲИФАЛАР

Қишлоқ хўжалиги учун

«Тошкент ҳақиқати» газетаси алмашиниб турадиган махсус саҳифаларининг навбатдаги сони чиқди. Бугунги якшанба сонининг 2-бети икки хил нусҳада босилди.

Саноат ходимларига мўлжалланган: «Ўгит мўл-ҳосил мўл» умумий сарлавҳа остида берилган саҳифа эртага Чирчиқ шаҳрида очиладиган азот саноати ходимларининг Бутуттуниттифоқ тармоқ кенгашига бағишланган. Унда Чирчиқ химия комбинатида минерал ўгитлар ишлаб чиқариш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш учун олиб борилаётган кураш ҳақида ҳикоя қилувчи турли материаллар босилган.

Қишлоқ хўжалик ходимларига мўлжалланган саҳифада: М. Назаровнинг «Ғаллакорлар енг шимарди», қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Х. Аминовнинг «Хомток», мухбиримиз М. Гозиевнинг «Беҳуда ҳаракатларга йўл йўқ» сарлавҳали мақолалари ва бошқа хабарларни ўқиш мумкин.

ҒАЛЛАКОРЛАР ЕНГ ШИМАРДИ

Ғалладан муттасил мўл ҳосил етиштиришда Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинобод» колхози бой тажрибага эга.

Колхозда кейинги йилларда қўриқ ер очиш ҳисобига ғалла майдонлари кенгайтирилди, химия мўъжизалари — минерал ўғитлардан самарали фойдаланилди. Фан, техника ютуқларини, илғор тажрибаларни, прогрессив усулларни ғаллачиликка кенг жорий этиб, ҳосилдорликни ошириш, дала ишларини комплекс механизациялаш йўли билан маҳсулот таннархини камайтириш соҳасида кўп иш қилинди.

Илгари «Колхознинг ери шағал-тупроқли» бундай ерда ғалла битмайди» деган зарарли кайфият ҳукм сурар эди. Олий маълумотли агроном ўртоқ Т. Ризаев колхоз раислигига сайлангач, айрим «фолбин»ларнинг фикрига зарба берилди. Мутахассислар ва тажрибакорлар билан бамаслаҳат иш тутилди, тажриба участкасида иш олиб борилиб, колхоз шароитида ғалладан юқори ҳосил олиш мумкинлиги исботланди.

Сўнгги тўрт йилда ғалла майдони қарийб 2 минг гектар кенгайтирилди. Тўғри, янги ер очиб қишлоқ хўжалик оборотига киритиш осонликча бўлгани йўқ, албатта. Кўплаб ишчи кучи, капитал маблағ сарфланди, табиий офатларга қарши кўкрак кериб курашишга тўғри келди. Лекин натижа қувончли бўлди: Янги ўзлаштирилган ерлардан дастлабки йилдаёқ юқори ҳосил олинди. Иккинчи йили сарфланган харажатнинг ўрни қопланди. Шундай қилиб, ғаллачилик хўжаликнинг сердаромад тармоғига айланди.

Колхознинг ғалла майдонлари асосан лалмикор ерлардан иборат. Фақат 480 гектар суғориладиган ерга ғалла экилади. Илгари ҳосилдорлик 5—6 центнердан ошмасди. Маҳаллий ўғитдан тупроқ унумдорлигини оширишда фойдаланилди. Агротехниканинг нобоб усулидан воз кечилди. Ҳозирги пайтда умумий ғалла майдонининг 85 процентдан кўпроғига кузги буғдой экилмоқда. Деҳқончилик маданиятининг оширилиши туфайли ҳосилдорлик гектар бошига 11 центнерга етди.

Бу йил колхозчилар гектаридан камида 15 центнердан хирмон кўтариш учун курашмоқдалар. Ўтган йил 500 гектар ер биринчи марта азот билан озиқлантирилиб, сўнг ғалла экилди. Натижада уруғлик тез, бехато ва бир текисда униб чиқди, ниҳол соғлом ва бақувват бўлиб ўсмоқда.

Ҳозир ўсимлик кун сайин кўкка бўй чўзмоқда. Ана шу майдонларнинг ҳар гектаридан камида 20 центнердан ҳосил олиш кўзда тутилмоқда.

— Минерал ўғит ғалла ҳосилдорлигини оширишнинг муҳим омили эканини яхши биламиз,— дейди Т. Ризаев. —аммо маҳаллий ўғитни ҳам қадрига етяпмиз. Колхозимизда чорвачилик ҳам салмоқли ўрини эгаллайди. Ҳар гектар ер ҳисобига 7—8 тонна гўнг тўплаш имкониятига эгамиз. Биз шу йилдан бошлаб минерал ва маҳаллий ўғитни аралаштириб компост тайёрлаб, ғалла майдонларини муттасил озиқлантириб боришга қарор қилдик.

Колхоз бу йил 2.700 гектар майдонда ғалладан юқори ҳосил етиштиради. Ўртоқ Н. С. Хрушчев партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари раҳбар ходимларининг кенгашида қилган докладида кадрларда топширилган иш учун масъулиятни кучайтириш, моддий манфаатдорлик принципига қаттиқ риоя қилиш, ишлаб чиқариш новаторларини рағбатлантириб бориш зарурлигини уқтирди. Колхоз правлениеси бу қимматли маслаҳатга амал қилиб, бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Йўлдош Ашуров, Исмат Иброҳимов, Усмон Еров, Тожибой Убайдуллаев сингари механизаторлар ғаллачилик звеноларига бошлиқ қилиб тайинланди. Ишчи кучлари, техника воситалари уларга доимий қилиб бириктиб қўйилди. Шунингдек ҳар бир звенога 500 гектардан ғалла майдони ажратилди. Звено бошлиқлари барча имкониятлардан самарали фойдаланиб, ҳосилдорликни ошириш чораларини кўрмоқдалар. Колхозда гектаридан 15 центнердан кам ҳосил оладиган бирорта звено бўлмайди.

Звено ишлаб чиқариш планида белгиланганидан зиёд ғалла етиштирса, унинг аъзолари қандай манфаат кўради? Ўртоқ Т. Ризаев бу ҳақда шундай дейди:

— Биз бир йилда колхоз бўйича ҳосилдорликни гектар бошига 3 центнер, айрим звеноларда эса 10 центнергача кўтариш мажбуриятини олдик. Об-ҳаво ғаллачилик учун жуда қулай келаяпти. Шу сабабли мажбуриятни шараф билан бажарамиз, деган умиддамиз. Правление ва партия ташкилоти колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш учун зарур тадбирларни кўрмоқда. Жумладан, звено бўйича пландан ташқари олинган ғалланинг 50 проценти звено аъзоларига қўшимча равишда тақсимлаб берилади. Меҳнатда ўрнак кўрсатган колхозчилар қимматбаҳо буюмлар билан мукофотланади.

Пул ва ғалла авансларп ҳам ўз вақтида бериб борилмоқда. Колхозчи ўз меҳнати мевасидан тўла баҳраманд бўлишини олдиндан сезиб, зўр ғайрат билан ишлаяпти.

Бу йилги баҳорда ёғингарчилик кўп бўлди. Бу ғаллакор хўжаликлар учун ош-нон демакдир.

— Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, —дейди раис, — ёғингарчиликнинг кўп бўлиши туфайли бегона ўт ҳам кўпайиб кетди.

Биз ғалла майдонлари атрофидаги бегона ўтларни йўқотдик.

Ғаллакорлар ҳосил ўрим-йиғимига ҳозирдан пухта тайёргарлик кўраётирлар. Олти комбайн капитал ремонт қилиниб, ўрим-йиғимга тахт қилиб қўйилди. Янгидан механизатор кадрлар тайёрланди. Ғалла омборлари ремонт қилинмоқда. Тажрибакор ғаллакорлар, албатта, аҳдларининг уддасидан чиқадилар.

М. НАЗАРОВ.





Суратларда (тепада): Янгийўл бошқармасидаги «Ленинизм» колхозининг ўртоқ У. Охунов бошлик звеносида қанд лавлаги майдонларига сув таралмоқда. Олдинда сувчи ўртоқ Мирзаали Тожибоев. (Пастда): тракторчи Мирзараҳим Эгамбердиев ва Ўрозали Ҳусанов ўртоқлар маккажўхори культивацияси олдидан агрегат барабанини селитра билан тўлдиришмоқда.

Қ. Розиқов фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

СОҲИБКОРЛАРГА МАСЛАҲАТ

ХОМТОК

Ўсимликларни сифатли парвариш қилиш қишлоқ хўжалигини интенсивлашнинг энг зарур звеноси ҳисобланади. Ўз вақтида ва яхши парваришланган ўсимликлардан мўл ҳосил олинади. Токлардан мўл ҳосил олишда уларни хомток қилиш энг зарур тадбирлардан биридир. Хомток ўз вақтида қилинмаса токзорда бажариладиган бошқа агротехника тадбирлари (ток кесиш, ерни ишлаш, ўғитлаш, суғориш ва бошқалар) яхши натижа бермайди, ток кам ва сифатсиз ҳосил беради.

Токлар икки марта хомток қилинади. Ота-боболаримиз биринчисини «шўра хомток», иккинчисини «ғўра хомток» деб атаганлар.

Шўра хомток токнинг шўраси кўриниб, ҳосилли ва ҳосилсиз навдалари аниқлангандан кейин, яъни шу кунлардан бошлаб то гуллагунча бажарилади. Бу хомтокни тезда, 10—15 кун ичида тамомлаш лозим.

Шўра хомток ўз вақтида қилинмаса кераксиз навдалар ўсиб кетади. Тупнинг орасига шамол кирмайди, қуёш нурлари яхши тушмайди. Бундай токнинг гуллари яхши оталанмайди. Натижада узум бошлари оча-бола бўлиб қолади ва ҳосил камайиб кетади.

Хомток қилинган ток кам касалланади, айниқса оидиум (кул, рағa, қорасон) касаллиги камаяди. Хомток натижасида ток қуёшдан, шамолдан яхши фойдаланганн учун гулларининг чангланиши осонлашади, ҳосил сифатли бўлиб етилади ва тез пишади.

Хомток — янги ўсган навдаларни сийраклаштиришдан ва барг қўлтиғидан чиққан бачки навдаларни олиб ташлашдан иборат.

Хомток қилиш тупнинг пастидан бошланади. Шўра хомток вақтида тупнинг кундаси (тўнкаси) атрофидан ўсиб чиққан ҳосилсиз навдалар олиб ташланади, ҳосилли навдалар қолдирилади. Агар кунда атрофидаги навдаларнинг ҳаммаси ҳосилсиз бўлса, улардан 1—2 тасини зарарланган ёки ўта йўғонлашган зангларини алмаштириш мақсадида ўринбосар сифатида қолдирилади. Кунда атрофидаги қуриган ва илгари чала кесилган шохларининг қолдиқлари ҳам олиб ташланади. Кунда атрофини хомток қилиш тамомлангандан сўнг тупининг юқори қисми хомток қилина бошлайди. Бунда занглардан чиққан ҳосилли навдалар қолдирилади. Агар занглардан чиққан навдаларнинг ҳаммаси ҳосилсиз бўлса, занг ялонғочланиб қолмаслиги учун, унинг ўрта ва пастки қисмидан ўсган навдалардан 3-4 таси ҳосилсиз бўлса ҳам қолдирилади. Бу навдалар келаси йили ҳосил беради.

Токларнинг юқори қисмида ҳосилли навда кўп бўлса ҳамма ҳосилсиз навдалар, барг қўлтиғидан чиққан бачки навдалар олиб ташланади. Агар ҳосилли навдалар кам бўлса, ҳосилсиз навдалардан бақувват, соғлом ва қулай жойдан чиққанлари қолдирилади. Айниқса, зангни катта қилиб, кузда кесишда кўп куртак қолдириладиган хўраки нав токларда ҳосилсиз навдалардан бирмунчасини қолдириш шарт.

Барча нав токларда хомток бир хилда қилинмайди, токнинг ҳосилига ва ўсиш кучига қараб турлича ўтказилади. Қариган, секин ўсадиган токларнинг ҳосили кўп бўлса баргларини камайтирмаслик учун хомток вақтида мумкин қадар кам навда олиб ташланиши керак. Чунки барглар кам бўлса, ток ҳосилини озуқа билан таъминлай олмайди.

Токлар гуллаб, ғўралари мошдек бўлганда «ғўра хомток» қилинади. Чунки бу даврда токнинг асосий навдалари ўсиб, туп қалинлашади. Ғўра хомток июнь ойида қилинади. Ғўра хомток вақтида шўра хомтокдан қолган баъзи ортиқча, ҳосилсиз, чалкаш, зич ва тескари ўсган навдалар ҳамда барг қўлтиғидан чиққан бачки навдалар олиб ташланади.

Ўз вақтида, яъни пишмасдан шўра хомток қилинса, навдалар осонгина кўчиб тушади. Хомток кечикса навдалар бақувват қолади, бунда уларни ток қайчи билан кесишга тўғри келади. Навдалар қайчи билан кесилганда кесик тагида 1—2 куртак қолади, улардан яна кераксиз навдалар ўсиб чиқиши мумкин.

Хомток қилинган токларнинг навдаларини кетма-кет тараб, бағазларга боғлаб борилиши керак. Шўра хомток ва айниқса ғўра хомток вақтида асосий навдаларнинг барг қўлтиғидан чиққан бачкиларини ҳам олиб ташлашни юқорида айтиб ўтдик. Аммо токларнинг навдалари яна ўсиши натижасида улардаги бачки навдалар ҳам ўсаберади. Шунинг учун бачки навдаларнинг пишишига қолдирмай яна 1—2 марта олиб ташланади.

Баъзан кучсиз ўсган токларда асосий навдалар кам бўлса, келгуси йил ҳосили учун бачки навдалардан бир нечта бақувват ўсгани қолдирилади. Хомток вақтида олиб ташланадиган баъзи зангларни ўткир арра билан тагидан кесиб ташлаш керак. Бундай зангларни теша, болта ёки чопқи билан чопиш ярамайди. Бундай асбоблар ишлатилганда кесик юзи текис чиқмайди ва ёрилади. Натижада токнинг шу жойи чириб, тупни зарарлайди.

Шу кунларда колхоз ва совхозларнинг соҳибкорлари мўл ҳосил гарови бўлган хомтокни сифатли ва қисқа муддатларда бажарсалар яхши бўлади.

Х. АМИНОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

БЕҲУДА ХАРАЖАТЛАРГА ЙЎЛ ЙЎҚ

Факт аниқликни талаб қилади. Фойда ва зарарни яхши билган деҳқон ҳисобдан ҳеч янглишмайди. Ерга ишлов беришда, техникадан, ишчи кучидан, ўғитдан фойдаланишда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритади. Ҳар бир ишни вақтида, режаси билан амалга ошириб, бошқаларга ўрнак бўлади.

Умарали Муҳамедовни областимизда танимайдиган деҳқон деярлик йўқ. Унинг бутун куч ва билими пахтадан мўл ҳосил етиштиришга қаратилган. Моҳир, новатор деҳқон анча йилдан бери йирик бригадага раҳбарлик қилиб келмоқда. Бу бригада аъзолари борган сари олдинга одимламоқдалар. Бригаданинг 200 гектар ери бор. Шунга яраша ишчи кучи ва техника ажратилган. Булардан деҳқонлар моҳирлик билан фойдаланишади. Ҳар бир ишни вақтида амалга оширишади. Уларда ортиқча харажатлар йўқ. Бригаданинг бир сўм пули ҳам тежаб-тергаб сарфланади. Шу сабабли етиштирилаётган пахта жуда арзон. Бригада аъзолари ўтган йили 150 гектар майдонга чигит экиб, ҳар гектаридан 37 центнердан хирмон кўтаришди ва давлатга 530 тонна оқ олтин» сотишди. Ҳар центнер пахта етиштириш учун пландаги 11 сўм ўрнига, 10 сўм 50 тийиндан пул сарфланди.

Бу ерда ортиқча штатлар деярли қолмади. Аввалари бригаданинг маъмурий-хўжалик ишида 14 киши бўлар эди. Энди уларнинг ярми қисқартирилди. Қоровул, омборчи ва бошқа вазифаларда ҳақ олиб ишлайдиганлар қолмади. Натижада даладагиларнинг иш ҳақи анча кўпайди. Ҳар бир меҳнат кунига тақсимланган пул 3 сўм 50 тийинни ташкил этади. Бундан бир неча йиллар олдин бригададаги сувчилар ойига 70—80 сўмдан иш ҳақи олишарди. Штатларнинг ихчамлаштирилиши ва ҳосилдорликнинг кўпайиши орқасида эндиликда улар ойига 160—200 сўмдан пул олишяпти. Механизаторларнинг ойлиги бундан ҳам кўп. Буни механизатор Шокир Курсаитов мисолида ҳам кўришимиз мумкин. У яхши ишлайди, ғўзани сифатли парвариш қилиб, кўчатини йўқотмайди. Баракали меҳнати эвазига ойига 300 сўмга етказиб меҳнат ҳақи олади.

Тўғриси шу, қайси бригадада ҳайбаракаллачи кам бўлса, далада тер тўкиб ишлаётганларнинг иш ҳақи шунча кўп ва юқори бўлади. Маҳсулотнинг таннархи арзонлашади.

Лекин ҳамма ерда ҳам меҳнат ҳақи ана шундай бўлавермаяпти. Баъзи бригада бошлиқлари ўзларининг нўноқликларини, ишбилмасликларини хас-пўшлаш мақсадида ортиқча штатларни сақлашга одатланиб қолишган. Улар кўп маблағ сарфлаб, кам маҳсулот беришяпти. Далада ишлаётганларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга дурустроқ қизиқишмаяпти.

Ана шундайлардан бири Бояр Самбетовдир. У коммунист. Анча вақтгача район партия комитетида масъул вазифаларда ишлаб келган. Кейин у пахтачиликни ривожлантиришга ҳисса қўшаман деб колхозга келган. Бригада бошлиғи бўлган. Бироқ ўртоқ Самбетов ишчан, жонкуяр, ташкилотчи бўлиб чиқмади. Шу сабабли уч йилдан бери у раҳбарлик қилаётган бригада планини бажаролмаяпти. Ўтган йили ҳам ана шундай бўлди. План 70 да қолди. Ҳар гектар ердан аранг 17 центнердан ҳосил олинди. Деҳқончилик бригада аъзоларига жуда қимматга тушди. Харажат кўпайиб, даромаднинг мазаси бўлмади. Энг яхши ишлаган колхозчининг ойлиги 50 сўмдан ошмади. Йиллик даромад тақсимотида эса ҳар бир меҳнат кунига бор-йўғи 1 сўм 74 тийиндан тақсимланди. Айрим колхозчилар ҳатто қарздор бўлиб қолишди.

— Бунга ким айбдор?

— Бригадир.

Бояр ака бошлиқ бригада билан Умарали ака бошлиқ бригададаги аҳволни бир таққослаб кўрайлик. Ер билан осмонча фарқ қилади. Ўртоқ Муҳамедов бошлиқ катта ва юқори ҳосилли бригадада маъмурий-хўжалик ишларида ҳақ олиб турганларнинг сони 7 кишини ташкил қилса, ўртоқ Самбетов бошлиқ кичик бригадада ҳам бу ишларда шунча киши ишлаяпти. Ойлик иш ҳақлари ҳам чакки эмас. Бригадир Умарқул Исмоилов деган кишини 3 йилдан бери ўзига ёрдамчи қилиб олган, унга сифат инспектори ҳисобидан ҳақ тўлайди. Бириси иккинчисига ишониб дала ишлари устидан раҳбарлик қилишмай қўйишган. Шу сабабли ишлар ўлда-жўлда.

Шуни ҳам айтиш керакки, Калинин номли колхозда омма билан ишлаш маҳоратини ўрганиб олган ташкилотчи бригада бошлиқлари анчагина бор. Тўрабек Жўрабеков, Иброҳим Ўрозбоев, Михаил Федоров, Роза Отабоевалар шулар жумласидандир. Бу бригада бошлиқлари ҳар бир ишга ўзлари шахсан кўз-қулоқ. Ишни деҳқонларга топширишади. Кейин сифатини текшириб, қабул қилиб олишади. Ҳисоб-китобнинг ҳаммасини ўзлари олиб боришади. Бу бригадаларда анчадан бери сифат инспектори штатида туриб ҳақ олаётганлар йўқ. Кучларнинг ҳаммаси дала ишларига жалб этилган. Маҳсулот кўпайиб, таннархи арзонлашаяпти. Буни ўртоқ Роза Отабоева бошлиқ бригада аъзоларининг ишидан ҳам кўрса бўлади. Бу ерда ҳамма далада, ҳосил етиштиришда. Шу сабабли бир центнер маккажўхори дони етиштириш учун пландаги 18 тийин ўрнига 7 тийин сарфланмоқда.

Бундан икки йил аввал Калинин номли колхознинг бошқарув аппаратида 118 киши ишларди. Ҳозир уларнинг сони 22 кишига қисқартирилди. Иқтисод комиссиясининг иши бухгалтерга юклатилди. Экспедитор вазифаси йўқ қилиниб, унинг ишини кассир бажармоқда. Участка бошлиқлари, агрономлар ва бошқа штатлар ҳам қисқартирилди. Колхозда тўртта почтальон бор эди. Бу вазифалар ҳам тугатилди. Уларнинг ишини колхознинг ўт ўчирувчиси Йўлдош Эргашев бажараяпти.

— Штатларнинг қисқартирилиши орқасида, — дейди колхоз раиси ўртоқ А. Исроилов, — колхознинг 18 минг сўм пули иқтисод қилинди.

Бизда звенолаб ишлаш кенг қулоч ёймоқда. Ҳамма бригадада ҳам комплекс механизациялашган звенолар тузилса у вақтда сифат инспекторлари — табелчиларнинг кераги ҳам бўлмай қолади. Биз ана шунга эришиш учун ҳаракат қиляпмиз.

Назарали Ниёзов номли колхоз правлениеси бошқарув аппаратига кетаётган харажатларни қисқартириш юзасидан яхши ишлар қилмоқда. Правление маъмурий-хўжалик харажатлари учун йиллик даромаднинг 3—4 проценти миқдорида маблағ сарфлаш учун бир қанча зарур чораларни кўрди. Ўтган йили ҳамма бригадаларда табелчилар бор эди. Энди улардан 8 киши камайди. Табелчиларнинг ишини ҳам бригада бошлиқларининг ўзи олиб боряпти.

Бошқарма колхозларида маъмурий-хўжалик аппаратидаги ортиқча штатлар мунтазам равишда қисқартирилаяпти. Ҳозир бу ишлардан озод этилган 51 киши бевосита дала ва фермаларда ишлашяпти. Ҳисоблаб кўринг, шу вақтгача булар учун йилига 36 минг сўмдан пул тўланиб келинаётган эди. Энди бу маблағлар артель хўжаликларини мустаҳкамлашга сарфланади. Бу маблағ ҳисобига минерал ўғит, қишлоқ хўжалик асбоблари сотиб олинади. Деҳқонларнинг даромадлари яна ҳам кўпаяди.

Лекин ҳамма ерда ҳам идора аппарати харажатларини кескин камайтиришга жиддий аҳамият берилаётир деб бўлмайди. «Октябрь 40 йиллиги» колхози унча катта эмас. Бироқ унинг маъмурий-хўжалик ишларидаги ходимларнинг сони 74 кишини ташкил қилади. Буларнинг ҳаммаси йилига 56 минг 500 сўм иш ҳақи олишади. Бу эса колхознинг хўжалик ишлаб чиқариш планида белгиланган даромаднинг 7,1 процентини ташкил қилади. Ваҳоланки, колхозда идора, хўжалик аппаратига ҳаммаси бўлиб йиллик даромаднинг 3—4 проценти миқдоридаги маблағни сарфлаш учун тўла имконият бор.

«Партия XXI съезди» колхози Янгийўлдаги энг кичик ва қолоқ хўжалик ҳисобланади. Шунга қарамай бу ерда ортиқча, кераксиз харажатлар жуда кўп. Ўтган йили колхоз правлениеси маъмурий-хўжалик аппаратини сақлаш учун умумий даромаддан 11,6 процентини шу мақсадга сарфлади. Шуниси ачинарли эдики, идорада ишлаётган раҳбарларнинг иш ҳақлари ҳаддан ташқари, сунъий равишда кўпайтирилиб юборилганди. Бу йил ана шу хато тузатилди. Натижада 25 минг сўм тежалди. Аммо правление раиси ўртоқ Жамол Тўйчиев бу билан бизда ҳамма иш жойида деб айтаолмайди. Чунки у бир томондан айрим ходимларнинг иш ҳақини камайтирган бўлса, иккинчи томондан эса кераксиз штатларнинг кўпайиб кетишига кенг йўл очиб қўйди.

1962 йилда колхозда еттита бригада бор эди. Уларнинг ҳар бирига 70-80 гектардан экин майдони тақсимланганди. Лекин бу иш раисга ёқмади. Бригадаларни яна майдалаб юборди ва уларнинг сонини 12 тага етказди. Энди ҳар бир бригадада 50-60 гектардан ер бор холос. Ортиқча харажат яна кўпайди. Бригадаларда қоровул, ясли мудираси ва бошқа ортиқча кўп штатлар сақланиб турипди. Буни қаранг, раиснинг хатоси билан қўшимча равишда ташкил этилган бешта бригада бошлиғига йилига 4200 сўм иш ҳақи тўланиб турибди.

Умуман Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасида анчагина колхозлар камқувват ҳисобланади. Шунга қарамай, маъмурий-хўжалик харажатлари кўп. Ишнинг кўзини билиб хўжаликка раҳбарлик қилиш керак. Бошқарув ва хўжалик аппаратларини янада ихчамлаштириш зарур. Бу соҳада ишлаб чиқариш бошқармасининг ходимлари колхоз правлениеларига яқиндан амалий ёрдам беришлари ва йўл қўйилган камчиликларни тезда тузатишлари керак.

М. ҒОЗИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ҚИШЛОҚ ЖАМОЛИ

Қишлоқдан ўтаётганимизда майин шабада эсди-ю, гулларнинг хушбўй ҳидини димоққа урди. Қишлоқнинг ҳозирги қиёфаси ўзига маҳлиё этди бизни. Шу ерда тўхтаб бир оз дам олиб ўтишга жазм қилдик.

Бир томонда, қуюқ дарахтлар орасида, деразаларига оқ дарпардалар тутилган шинам шифохона ва хашаматли билим ўчоғи қишлоқ кўркига кўрк бериб турибди. Кенг ва равон кўчаларнинг икки чеккасида қатор-қатор янги уйлар қад кўтарган. Оромбахш боғроғларни айтмайсизми!..

Қишлоқни айланар эканмиз, ўйлардик: «Назарбек ким бўлдийкин? Наҳотки бекзодлар қишлоқда ном қолдирган бўлса!»

Бу жумбоқни ечиш ниятида қишлоқнинг ўтмишини яхши биладиган мўйсафидларга юзландик. 80 ёшли мўйсафид — Жалол ота бизни меҳмон қилди. Бу нуроний кекса ўғил-қизларидан тиниб-тинчиган, пири-бадавлат оталардан бири экан.

—Илгари бу ерлар чўлу-биёбон бўлган, —деди ота. Ташналикни қондиришга бир қултум сув, бошингга соябон бўлгудек бирон туп дарахт қаёқда эди. Қўшни қишлоқлардаги бойлар, беклар бўлса меҳнаткашларнинг тайёр нонига шерик бўлишарди. Қишлоққа сув келтириш уларнинг хаёлига ҳам келмаган. Жазирама ёз кунларидан бирида Назар исмли кавқирон, оддий бир деҳқон йигит шу дашт ерга серқатнов бўлиб қолибди. Ташналикдан оҳак тусига кирган ерлар маюс боқиб, ниманидир сўраётгандек туюлибди унга. «Нима қилиш керак» Энг яқин ариқ 30 чақирим наридан оқади»... ўйлабди у.

Назар енг шимариб, яхши ният билан ариқ қазибди. Кун сайин, соат сайин заҳматкаш халқ узоқ-яқиндан келиб, унинг сафига қўшилибди. Кўпдан қуён қочиб қутилмас, деб шуни айтадилар-да!...

— Демак қишлоққа биринчи бўлиб сув келтирган беклар эмас денг?

— Асло, — дейди ота қўл силтаб, — қишлоққа биринчи бор сув келтирган оддий меҳнаткаш деҳқон боласи.

Совет ҳокимияти йилларида Назар ота ариғига канал ва ўнлаб ариқлар қўшилди. Сув иншоотлари барпо этилди. Аҳоли кўпая борди, янги уй, янги тўйлар ва меҳнат завқи янгради.

Ҳозирни яқин ўтмиш билан тенглаштириб бўладими, ахир? Қишлоққа назар ташлар экансиз, чўл бағрида қад кўтарган ажойиб ҳаёт булоғини кўрасиз.

Ҳозир иккита 11 йиллик, тўртта саккиз йиллик, бир неча бошланғич мактаб қад кўтариб турибди. Бу мактабларда қишлоқ меҳнаткашларининг 2000 дан ортиқ фарзанди билим оляпти. Бу ерда жамоатчилик асосида қурилган кутубхона 20 мингдан зиёд турли хил адабиётларга, бир ярим мингга яқин китобхонларга эга. Иккита маданият уйи ҳамма вақт ёшлар билан гавжум. Бу ерда маданият, санъат ва адабиёт арбоблари билан тез-тез учрашувлар бўлиб туради. Кинофильмлар намойиш қилинади.

Қишлоқда урушгача битта ҳам шифохона бўлмаган. Эндиликда 50 ўринли шифохона, амбулатория, туғруқхона, ишлаб турибди. Ўнлаб шифокорлар қишлоқ аҳолисининг саломатлиги йўлида жон куйдириб ишлаяпти.

Бундан 10 йил илгари қишлоққа ток бериб турувчи моторнинг товуши қулоқни қоматга келтирарди. Ўшанда ҳам ҳамма хонадонлар фойдалана олмас, электр энергияси етишмасди. Ҳозир ҳамма хонадонларда Ильич нури порлаб турибди. Радио овози, эфирда хушнаво куйлар янграяпти, юзлаб хонадон уйида зангори экранлар пайдо бўлди.

Қишлоқ оқшом пайтлари яна ҳам гаштли бўлади. Чироқлар гул япроқларида жилваланади. Озода кийинган ёш-яланглар хушманзарали боғларда, олчазорларда сайр қилишади. Қизғин меҳнатдан кейин яйраб-яшнаб ҳордиқ чиқаришади. Кечки мактабга келаётган ўқувчиларни, кинога шошилаётган томошабинларни, клубга бораётган ҳаваскор йигитларни, рақкоса қизларни кўриб қувонасан киши.

Ҳа, Назарбек кундан-кунга яшнаяпти. Назарбекликларнинг фидокорона меҳнатидан, қувноқ ҳаётидан мамнун бўласан киши.

И. ЮСУПОВ.

Қишлоқ хўжалик САҲИФАСИ

БИР ЙИЛДА ИККИ ҲОСИЛ

Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинград» колхозининг ўртоқ Ориф Пўлатов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари юз центнерчилар ҳаракатига қўшилиб, мўл ғалла ҳосили етиштириш тадбирларини кўрмоқдалар. Улар 25 гектар ерга арпа экиб, ҳар гектаридан камида 35 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилишган. Ёшлар биринчи ҳосил йиғиштириб олиниши билан унинг ўрнига маккажўхори экиш учун тайёргарлик кўрмоқдалар.

Юз центнерчи азаматлар 25 гектар ердаги арпа ўрнига экилган маккажўхори майдонининг ҳар гектаридан 65 центнердан дон ҳамда 100 гектар ердаги силос учун экилган маккажўхоридан 800 центнердан кўкпоя етиштириш мажбуриятини олишган. Ғаллакорлар даласида ана шу аҳдга яраша меҳнат қилинаяпти.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ.

МАРРА—70 КИЛОГРАММ

ОҚҚЎРҒОН. Бошқармадаги «Ленинград» колхозининг пиллачилари бу йил 75 қути пилланинг ҳар қутисидан пландаги 50 килограмм ўрнига 70 килограммдан ҳосил олишга аҳд қилишган. Бунинг учун 7 та пиллачилик звеноси ташкил этилди. Пиллачилар ҳозирнинг ўзидаёқ қуртларни парвариш қилиш ва уни жадал усулда боқишда дастлабки ютуқни қўлга киритдилар: қуртлар 3-ёшга қадам қўйди, яхши ривожланмоқда.

Хўжаликда мўл пилла ҳосили етиштириш учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган. Пилла қуртларининг ҳаммаси иссиқлик даражаси нормал бўлган жамоат биноларида боқилмоқда. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти пиллада ишлаётган колхозчиларнинг ҳар бирига 50 сўмдан пул ва озиқ-овқат маҳсулотлари берди, мажбуриятни бажарган пиллачилар учун 600 сўм мукофот пули ажратди.

Колхознинг Нам Екатерина, Ким Роза, Ли Екатерина, Ли Ольга, Пак Элла сингари моҳир пиллачилари зўр ғайрат билан ишлаб, бошқаларга намуна бўлишяпти, мўл пилла ҳосили етиштириш йўлида жонбозлик кўрсатишяпти.

Д. БОЙБЎТАЕВ.

САБЗАВОТЧИ-МЕХАНИЗАТОРЛАР

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Партия XXI съезди» совхози коллективи бу йил 8699 тонна сабзавот, 2100 тонна картошка, 4200 тонна карам етиштириш мақсадида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Сабзавотчиликда комплекс механизацияни кенгроқ жорий этиш мақсадида механизациялашган звенолар ташкил этилди. Бу звенолар хўжалик ҳисоби асосида иш олиб боради, уларнинг ҳар бирига 25 гектаридан ер бириктиб қўйилган. Механизаторлардан Раҳим Азимов, Раззоқ Эгамбердиев ва Сайфиддин Эгамбердиев ўртоқлар бошчилик қилаётган комплекс механизациялашган звеноларда эртанги картошка парвариши механизация ёрдами билан бажарилаётир.

А. РАЙИМБОЕВ,
Ишчи мухбирлар университети тингловчиси.

ҲАЁТ БАХШ ЭТУВЧИЛАР

Маҳмуд ака ғўзал табиат манзарасини томоша қила туриб, чуқур ўйга толди. Ҳаёт қандай ғўзал! Қандай нашъали! У бу манзараларни, бу чирой, бу кўркни бугун ё эрта ана шу ғўзалликлардан баҳраманд бўлишда маҳрум бўлиб қолаётгандек тўюлган беморлар кўзи билан кўради. Соғ-саломат бўлиб, меҳнат гаштини суриб, ўйнаб-кулиб юрган одам ҳаётнинг тоти, лаззатини у қадар қадрламаслиги ҳам мумкин. Лекин оғир касалликдан кўнгли чиққанда нозиклашган беморчи...

Куни кеча унга бир беморни кўрсатишди. Миржалил Миржабров ўрта ёшлардаги киши. Ҳозир мадори кетиб қолган бўлса ҳам, соғлигида анча бақувват эди. Бола-чақали, оилалик бу кишининг ҳаёти таҳлика остида. Бечора ҳаётдан умидини тамоман узган. Ҳар дақиқа азиал кутиб ётибди. Рафиқасининг, болаларининг кўзларидан ёш аримайди.

Маҳмуд Мақсудович палатага кириб беморга яқинлашганида Миржалил ака умидсиз, сўник кўзлари билан дераза томон термулиб бемажол ётарди. У ҳатто докторнинг саволларига ҳам бефарқ жавоб берди.

Миржалил аканинг ҳолати Маҳмуд Мақсудовичга унча ёқиқирамади. Руҳий тушкунлик ҳар қандай врачни ҳам чўчитади. Бундай пайтларда врачнинг вазифаси анча мушкуллашади. Беморнинг тез тузалиб, соғайиб кетиши унинг руҳий кайфияти докторга ишонишга жуда ҳам боғлиқ. Докторнинг самимийлиги, меҳри, муомаласи беморлар учун дано. Шунинг учун ҳам бемор қанчалик оғир аҳволда бўлмасин, врачлар унинг кўнглини кўтариб, далда беришлари, унинг кайфиятига ижобий таъсир этишлари, даволачиб, тузалиб кетишларига ишонч ҳосил қилишлари керак. Шунинг учун ҳам Маҳмуд Мақсудович хазил-хузил гаплар билан беморнинг кўнглини кутарган бўлди.

Маҳмуд Мақсудович ТошМИнинг даволаш факультетини 1949 йили тугатган. Ундан сўнг Қорақалпогистонда Нукус шаҳар касалхонасининг хирургия бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлади. Москвада аспирантурачи тугатган. «Бош миянинг ўсмаларини операция йўли билан олиб ташлаш вақтида вена қон томири босимининг ўзгариши» деган темада кандидатлик диссертацияси ёқлаган. Неврохирургия соҳасида анчагина тажрибага эга бўлиб, ҳар хил беморни кўрган бўлса ҳам шу пайтгача бундай касалликни учратмаган эди. Миржалил ака учи анчагина йўлантириб қўйди.

Палажланиши касаллиги кўпинча орқа миянинг яллигланиши ёки орқа мияда иши пайдо бўлишидан келиб чиқади. У нерв томирларига таъсир қилиб, киши организмининг маълум қисмларини ҳолдан кетказади. Бу неврнома касаллиги организмга астасекин таъсир қилиб, бемор иккиюч йилдан кейингина ёстиқ-тушак қилиб ётиб олади. Миржалил Мирражабов эса икки ярим-уч ойда ўрнидан турмай қолди. Врачларнинг бошини қотирган, йўлатиб қўйган нарса ҳам шу эди. Дастлаб касалнинг диагнозини аниқлаш керак эди.



Маҳмуд Мақсудович касаллик тарихи билан батафсил таниша бошлади. Миржалил аканинг бирданига икки оёғи жонсиз бўлиб, ишламай қолган. Оёқлар дастлаб тўпиққача, сўнг тиззагача ҳаракат қилмай қолди. Касаллик тобора кучайиб борарди. У астасекин юқорилашар, энди белгача етиб келмоқда эди. Борди-ю, юракка чиқиб олса, юрак ишдан чиқди деган сўз.

Миржалил Мирражабов дастлаб 15-касалхона ҳузуридаги амбулаторияга қатнаб, даволаниб юрди. Бироқ, ҳа демай оёқдан йиқилди. Уни касалхонага ётқизишди. Бемор даволовчиларни қаттиқ ўйлатиб қўйди.

Гап инсон ҳаёти устида борар экан, ўйламай, маслаҳатлашмай, қатъий бир фикрга келмай иш юритиб бўладими? Инсонни ўлим чангалидан қутқариб қолишдек шарафли ва масъулиятли вазифани бир дақиқа ҳам унутишмайди врачлар.

Палаж, касалликлари билан шуғулланувчи бошқа врачларга ҳам мурожаат этилди. Тошкентдаги медиклар малакасини ошириш институтида ассистент бўлиб ишлаётган Маҳмуд Мақсудович Мақсудовга ҳам шундай хабар беришди.

Неврохирург Маҳмуд Мақсудович хулоса қилишга шошилмади. У беморнинг анализларини қайта-қайта кўриб чиқди. «Оператив неврохирургия» китобини синчиклаб ўқиди. Виктор Александровичнинг нерв касалликлари қаерга жойлашгани ҳақидаги қўлланмасини бошдан-оёқ кўздан кечирди. Ниҳоят беморнинг оғригини текшириб, ўсимта борлигини аниқлади ва ҳамкасбларига фикрини исбот қилиб берди. Шундан кейин операцияга киришилди.

Операция бошланди. Ҳамма сукутда. Фақат қўллар, бармоқлар чаққонлик билан ҳаракат қилади. Асбоблар қўлдан қўлга эҳтиёт билан ўтиб турибди. Инсон миясн операция бўляпти. Беморнинг ҳаёти қил устида. Врач буни сезиб турса ҳам, лекин операцияни ишонч билан бажарар, бу ҳолати эса ёнидагиларга, ҳатто ўзига ҳам далда берарди.

Даҳшатли ўлим билан олишув роса икки соат давом этди. Беморнинг орқа мия умуртқа поғонасига жойлашган икки-икки ярим сантиметр келадиган ўсма олиб ташланди. Бемор ҳаёти сақланиб қолди. Бир инсонга қайта ҳаёт берилди. Ҳамма енгил нафас олиб, бир-бирига қараб беихтиёр жилмайиб қўйди.

Бир неча кун ўтиб, бемор жонсиз бўлиб қолган аъзоларида қон юришаётганини сезди. Дунё билан видолашиб улгурган Миржалил аканинг севинчига поён йўқ эди. Юраги ҳовриқиб кетди.

У оёқларини қайта-қайта ушлаб кўрар, уларнинг ҳаракатланаётгани ҳақиқатлигига ишонишни ҳам, ишонмаслигини ҳам билмасди. Халоскори — врач Мақсудовга у қанчалик миннатдорчилик билдирганини ўзингиз тасаввур қилаверинг. Ярим ўлган одамнинг ҳаётга қайтиб келиши ҳазил гапми?! Миржалил аканинг бир ой деганда ўз оёғи билан юриб, уйига кириб бориши оиласидагилар учун катта қувонч бўлди.

...15-касалхонанинг мажлислар зали. Бу ерга республика психиаторлари ва невропотологлари йиғилишган: Маҳмуд Мақсудович минбарда. У доклад қиляпти. Президиумда врач бўлмаса ҳам бир одам ўтирибди. У Миржалил Миржабов. Маҳмуд Мақсудович унинг касаллиги тарихи, қандай даволангани ва операция жараёни қандай ўтганини батафсил гапириб берарди.

Миржалил аканинг табассум билан халоскорига тикилиши фикрининг ёркин далили жонли гувоҳи эди.

Республикамизда нерв касаллигига қарши кураш тобора кучайтирилмоқда. Республика Соғлиқни сақлаш министрлиги буйругига биноан ва коллегиянинг қарорига асосланиб, Маҳмуд Мақсудович ишлаб турган институтда неврохирургия секцияси очилди. Бу ерда хирург, невропотолог ва травмотологлар малакаларини оширадилар. Бу янги секцияга невро-хирург Маҳмуд Мақсудович раҳбарлик қилади.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтига шаҳардаги ўнбешинчи касалхона бириктириб қўйилган. Институт талабалари бўш вақтларини касалхонада ўтказиб, назарий билимларини амалда, тажрибада мустаҳкамлаб борадилар.

Маҳмуд Максидович ана шундай қайноқ ҳаётда яшайди. У ўзининг ишн мобайнида кўп эзгуликлар қилган. Ёлғиз Миржалил акагина эмас, яна кўп беморларга ана шундай саломатликни инъом этган.

Меҳнатнинг юксак самарасини кўриш ҳар қандай мутахассисни ҳам янги меҳнат зафарларига илҳомлантиради. Яшашнинг мазмуни ҳам шу-да!

М. ЖАЛОЛИДДИНОВА,
П. НИШОНОВ.



Эркин Сайдалиев бир неча йилдан бери Ўзбекистон Давлат санъат музейида реставратор вазифасида ишлаб келмоқда. У халқ амалий санъатига оид бўлган юзлаб ёдгорликларни ўз ҳолига келтириб қайта ҳуси берди. Суратда: Э. Сайдалиев иш устида.

И. Абдуллаев фотоси.

АТЕИСТИК ТАРБИЯНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Ўзбекистон пойтахтининг Октябрь районида бир қанча янги болалар муассасалари, кутубхоналар ва амбулаториялар ташкил этилди. Бу муассасалар аҳолининг хоҳиши билан ёпилган мачит биноларида очилди. Динга ишонувчилар сони тобора камайиб бораётганлиги учун мачитларга ҳеч қандай эҳтиёж қолмади. Эндиликда бу бинолар диний хурофотлар эмас, балки илм-маърифат ўчоғига айлантирилди. Бу ерларда болалар тўғрисида, кишининг сиҳат-саломатлиги тўғрисида, унинг илм-фанни эгаллаши тўғрисида пропаганда ишлари олиб борилмоқда.

Октябрь район партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида келтирилган ана шу мисол ҳозирги вақтда районда олиб борилаётган илмий атеистик пропагандага берилган энг яхши баҳодир. Бу районда динга қарши ишларнинг таъсири ўқилаётган лекциялар ва суҳбатларнинг миқдори билангина эмас, балки курашган атеистнинг оташин сўзлари кишилар онгига қанча таъсир кўрсатаётганлигига қараб баҳоланади.

Район партия комитетининг биринчи секретари Р. Н. Бобожоновнинг «Район меҳнаткашлари ўртасида атеистик тарбиянинг аҳволи ва бу ишни кучайтириш чоралари тўғрисида» қилган докладида ҳам, пропагандистлар, педагоглар, корхона ва муассаса партия ташкилотлари раҳбарларининг нутқларида ҳам район партия ташкилотлари бу соҳада муайян ишларни қилганликлари таъкидланди. КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорлари атеистик тарбияни кучайтириш ва янада таъсирчан қилишга ёрдам берди.

Диндорларнинг онгига таъсир кўрсатишда хилма-хил формалардан фойдаланилмоқда. Эндиликда ҳар бир диндор билан алоҳида-алоҳида иш олиб боришга катта эътибор берилмоқда. 19-мактабнинг директори А. И. Овсянникова, маҳалла хотин-қизлар кенгашининг раиси С. Хусаинова, область кинолаштириш бошқармасининг бошлиғи Б. А. Каипов, Ўзбекистон давлат нашриётининг бўлим мудири Р. Абдураҳмонов, Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари В. А. Архангельский ва пленумнинг бошқа қатнашчилари шу тўғрида гапирдилар. Илмий дунёқарашнинг пропагандистлари беш халқ университетида, эллиқдан кўпроқ илмий атеизм лекторийларида ва бошқа жойларда доклад, лекциялар ўқимоқдалар. Махсус ташкил этилган неча ўнлаб назарий семинарлар ва партия маорифи шохобчаларида тузилган 29 тўгаракнинг машғулотлари атеистик руҳда тарбиялаш масалаларига бағишланди.

Октябрь районидаги ҳар бир маҳалла сиёсий-тарбия ишларининг марказига айланди. Атеистлар ўзларининг асосий ишларини маҳаллаларда уюштирмоқдалар. Жумладан, «Илғор» маҳалласи активларининг тажрибаси пленум қатнашчиларининг эътибори ни жалб этди. Улар диний ҳайит ва маросимлар арафасида олимларни ўз клубларига таклиф этадилар, оммабоп илмий фильмлар кўрсатадилар. диндорлар билан алоҳида-алоҳида суҳбат ўтказадилар. Бу соҳадаги иш натижаларидан фақат бирнигина кўрсатиб ўтамиз: қурбон ҳайити кунларида руҳоний-лар тақиқлашига қарамай, ҳатто динга ишонувчи аёллар ҳам телевизион программани томоша қилдилар, радиоэшиттиришларни тингладилар.

«Янги шаҳар» маҳалласида кексаларнинг якшанба кунлари шаҳар атрофига — Чимёнга чиқиб сайр этишлари традиция бўлиб қолди. Гўзал манзарали ана шу ерларда кексаларнинг олимлар билан учрашувлари жуда мароқли ўтмоқда, олимларнинг Коинот тўғрисидаги, илм-фан ютуқлари ҳақидаги суҳбатлари қарияларни жуда қизиқтирмоқда. Маҳалла коммунистлари билан бир қаторда республика табиат музейининг ходимлари ҳам бундай учрашувларнинг ташкилотчилари бўлдилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тарих ва археология институти ходимлари илмий атеистик пропагандани кенг кўламда уюштирдилар. Рус тили ва адабиёти институтининг ўқитувчилари «Дин тўғрисида халқ» деган темада кечалар ўтказдилар. Оҳун-бобоев номидаги шаҳар Маданият уйининг халқ театри кейинги вақтларда атеистик темаларда тўрт постановка тайёрлади.

Район партия ташкилотлари болаларни атеистик руҳда тарбиялашга кўп эътибор бермоқдалар. Улар ўқитувчилар, синф раҳбарларининг ўқувчилар ота-оналарини, буларнинг динга муносабатини яхши билиб олишлари ва диндор ота-оналарининг ўз болалари онгини диний зоҳар билан оғулашларига йўл қўймасликлари учун ҳаракат қилмоқдалар. Бир қанча мактабларда «Ёш атеист» жамияти, кинолекторийлар уюштирилди, мунозаралар, тематик конференциялар, савол-жавоб кечалари ўзказилди музейларга, планетарий ва корхоналарга экскурсиялар уюштирилди.

Шу билан бирга, пленумда меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги ишларнинг даражаси ва кўлами КПСС XXII съезди ва партия Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорларида партия ташкилотлари олдига қўйилган юксак талабларга ҳали жавоб бермаётганлиги ҳам кўрсатилди. Атеистик тарбия кўпинча бир мақсадни кўзда тутиб олиб борилмаётир, район меҳнаткашлари ҳозирги вақтда ҳал этаётган конкрет вазифалар билан суст боғланган. Район партия комитетининг пленуми меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялаш ишларини янада кучайтириш чораларини белгилади. (ЎзТАГ).

ЧОРА КЎРИЛДИ

«Калинин номли колхоз раҳбарларининг чорвачиликни ривожлантириш масаласига етарли эътибор бермаётганликлари «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 46-сонида тўғри танқид қилинган. Мақолада кўрсатилган фактлар текширишда тўла тасдиқланди. «Муҳим соҳа эътибордан четда» сарлавҳали ана шу мақола колхоз партия йиғилишида ҳам, правление мажлисида ҳам муҳокама қилинди. Фермада ишлаётган мутахассис ўртоқларнинг ўз вазифаларига етарли эътибор бермаётганликлари алоҳида кўрсатилиб, улар огоҳлантирилди ва чорвачиликни ривожлантириш юзасидан тадбирлар белгиланди.

И. ЮНУСОВ,
Бўка ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи».

ХАТОСИГА ИҚРОР БЎЛДИ

Газетамизнинг 29 февраль сонида босилган «Бағри тош ота» сарлавҳали мақолада Вазира Азимова ҳақида ҳам танқидий фикрлар айтилган эди.

Октябрь район ошхоналар трестининг директори Ўртоқ Низомов имзоси билан олинган жавоб хатида бундай дейилади: «Мақола трест ҳузуридаги хотин-қизлар Совети да муҳокама қилинди. Вазира Азимованинг совет хотин-қизлари шаънига тўғри келмаган қилиқлари қаттиқ қораланди ва унга маслаҳатлар берилди. В. Азимова ўз хатосига иқрор бўлди ва кўпчилигидан узр сўради».

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

АБАДИЙ ДЎСТЛИК

БЕРЛИН, 15 май. (ТАСС). Республикада ўтказилаётган Германия—Совет дўстлиги ҳафтаси тугади. Дўстлик ҳафтаси совет халқи билан бузилмас дўстлик Германия Демократик Республикасининг тинчлик ва социализм йўлида муваффақиятлар қозониши учун гаров, деган шиор остида ўтди.

Германия—Совет дўстлиги жамияти Демократик Германия Миллий фронтида бирлашган барча партиялар ва оммавий ташкилотлар билан бирга шу кунларда митинглар ва учрашувлар ўтказди, совет ишлаб чиқариш новаторларининг иш тажрибаларини ўртоқлашишини ташкил қилди, Совет Иттифоқининг турмушини кўрсатувчи совет кинофильмлари фестивалини, выставкаларни уюштирди. Германия—Совет дўстлиги жамияти марказий правлениесининг хабарида айтилишича, бу тадбирларни ўтказишда республика аҳолисининг ҳамма табақаларидан бўлган миллионлаб кишилар қатнашди.

Дўстлик ҳафтасининг тадбирларида совет томонидан Совет—Германия дўстлиги жамиятининг КПСС Марказий Комитетининг аъзоси С. О. Притицкий бошчилигидаги делегацияси, Москва ва Ленинград корхоналаридан келган совет мутахассислари делегацияси, Совет кино ходимларининг кинорежиссёр Р. И. Тихомиров бошчилигидаги делегацияси, совет санъат арбоблари группаси, Литва ССР давлат халқ қўшиқлари ва рақси ансамбли қатнашди. Германия Демократик Республикасининг округларида ўтказилган дўстлик учрашувларида ССРнинг Германия Демократик Республикасидаги элчиси П. А. Абрасимов ва Германия Демократик Республикасидаги совет мутассаларининг масъул ходимлари, шунингдек Германиядаги совет қўшинлари группасининг ҳарбий хизматчилари ва бадиий ансамблари иштирок этдилар.

ШАРМАНДАЛИ МУСТАМЛАКАЧИЛИК УРУШИ ТЎХТАТИЛСИН

ЛОНДОН, 15 май. (ТАСС). Буюк Британия Коммунистик партияси мамлакат жамоатчилигини ҳукумат томонидан Жанубий Арабистон халқига қарши олиб борилаётган урушни тўхтатиш учун курашни кучайтиришга чақирди. Компартия Сиёсий комитетининг кеча эълон қилинган баёнотида айтиладики, Адандаги урушда қатнашиш учун яна бир инглиз батальони юборилмоқда. Адандаги базани сақлаб қолиш мақсадида консерваторлар ҳукумати олиб бораётган шармандали мустамлакачилик уруши тинчлик манфаатларини қадрлайдиган ва мазлум халқларнинг озодлик курашини қувватлаётган кучларнинг ҳаммасини ларзага келтирди. Вазифа шуки, дейилади баёнотда, бу уруш тўхтатилиши, инглиз солдатлари ўз уйларига қайтарилиши, Адандаги базани ёпишга эришиш ва Жанубий Арабистон халқи билан ҳамжиҳатлик вужудга келтириш керак.

КАННДАГИ КИНОФЕСТИВАЛЬ

КАНН, 15 май. (ТАСС). Бу ерда 17 халқаро Канн кинофестивали тугади. Фестивалнинг «Гран при» деган асосий мунофотини француз режиссёри Жак Деминнинг «Шербур зонтиклари» деган фильми олди. Жюри Японияннинг «Чўлдаги хотин» деган фильмига махсус мунофот беришга қарор қилди. Бу фильмни ёш режиссёр Хироси Тесигехара ишлаган.

Италиянинг киноартисти Саро Уртци (Пьетро Жерминнинг «Алданиб расво бўлган қиз» деган фильмида) ва артист Антал Гажер (Венгриянинг «Тўргай» фильмида) эркак ролларини яхши ижро этганликлари учун мунофотландилар. Барбара Бэрри (Америкасининг «Бир картошка, икки картошка» фильмида) ва Энн Бэнкрофт (Англиянинг «Ковоҳхўр» фильмида) аёллар ролини яхши ижро этганлиги учун мукофотландилар.

Традицияга кўра, Халқаро кинематография матбуоти федерацияси ҳам фестивалда кўрсатилган энг яхши фильм учун мукофот берди. Бу мукофот Польша режиссёри Аннеи Мункнинг «Йўловчи хотин» деган кинофильмига берилди.

СОВЕТ ФИЛЬМИГА ФАХРИЙ ДИПЛОМ

ХЕЛЬСИНКИ, 15 май. (ТАСС). Болалар учун қилинган энг яхши фильмларни ҳар йил фахрий дипломлар билан мукофотловчи болалар фильмлари коллекцияси (Финляндияда) бу йилги дипломни режиссёр Михаил Калининг «Қуёшга эргашган одам» деган совет фильмига берди. Совет фильмига берилган мукофот, дейилади жюрининг қарорида, болалар учун ишлаб чиқарилган ва Финляндияда кўрсатилган бошқа кўпгина яхши совет кинофильмларининг фазилатлари эътироф қилинганлигини ифодалайди.

ХАЛҚАРО ТЕМАДА

АМЕРИКА СИЁСАТЧИЛАРИ ТАШВИШДА

Кундан-кунга мустаҳкамланиб, улкан куч-қудрат касб этаётган жаҳон социализм системаси, Латин Америкасида озодликнинг роҳатбахш шабадасини олиб кирган Куба революцияси, социалистик ривожланиш йўлини танлаб олган Жазоирнинг илҳомбахш жасорати, мустақилликка эришган ёш давлатларнинг империализм кирдикорларига нисбатан ҳушёр туриши, мустамлакачиликнинг сўнгги таянчларини ҳам тугатиш сари олиб борилаётган кескин курашлар, капиталистик мамлакатларда капитал билан меҳнат ўртасидаги зиддатли тўқнашувлар жаҳон тараққиётига жуда катта ижобий таъсир ўтказмоқда. Шунинг натижасида эрк ва прогресс душманлари бўлган империалистик давлатлар ўз машъум сиёсатларини ўтказишда борган сари жиддий қийинчилик ва тўсиқларга дуч келмоқдалар.

Айниқса, империализмнинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий маркази, энг йирик жаҳон эксплуататори, халқаро реакциянинг асосий таянчи бўлган Америка Қўшма Штатларининг ташқи сиёсати сўнгги вақтларда мағлубият кетидан мағлубиятга учрамоқда. Эндиликда АҚШ ўз хоҳишини бошқаларга сўзсиз қабул қилдира оладиган даврлар ўтиб кетди. Мустақиллик олган ёш давлатларгина эмас, ҳатто АҚШ билан битта империалистик блокда бўлган давлатларда ҳам, у билан узоқ йиллар давомида иқтисодий-сиёсий алоқада бўлиб келаётган мамлакатларда ҳам Америка ташқи сиёсатига қарши кайфиятлар борган сари кенг тус олаётир.

Американинг ўзида чиқадиган реакцион матбуот органларидан бири «Юнайтед Стейтс ньюс энд Уорлд рипорт» журнали ҳам АҚШ бошқа мамлакатларда дуч келаётган ана шу қийинчиликларни тан олишга мажбур бўлди. Кўпгина мамлакатлар «янкилар империализми» хусусида шовқинсурон кўтармоқдалар, — деб ёзади журнал. — Америка байроғи, америка элчихоналари ва америкаликларга, бир қанча ҳолларда алоҳида шахсларга ҳам ҳужум қилиш кўпаймоқда. Америка бутун дунёни ўзига қарши оёққа турғазмадимикан?

Журнал ўзининг бу саволига жавоб бермоқчи бўлиб, чет элнинг йирик пойтахтларидан экспертлар юборган тушунтириш фактларини келтиради: Яқинда Афинада бир тўда одамлар АҚШ президенти тасвирини ёқиб юбордилар. Шу воқеадан бир неча кун кейин Камбоджада Америка элчихонасига ҳужум қилинди. Кейин Гарбий Африкадаги кичкинагина Габон давлатида Америка элчихонаси штурм қилинди. Панамада бир тўда одамлар Панама канали зонасида америкаликларга атака қилишди. Жанубий Вьетнамда террорчилар америкаликларни маҳв этмоқда. Яқинда Конгода Америка миссионерлари ўлдирилди. Канада намойишчилар Америка элчихонасига ҳужум қилдилар. Занжибарда Америка дипломати қамоққа олинди. Боливия кончилари уч американинг мансабдор шахсни гаров тариқасида қамаб қўйдилар. Жазоирликлар АҚШнинг маданият маркази биносини тошбўрон қилмоқдалар.

Булар Америка империализмига қарши бутун дунёда кенг тарқалаётган кайфиятнинг айрим мисолларигина холос. Олти ойга етар-етмас вақт ичида чет элдаги Америка граждалари ва мулкларига 20 дан ортиқ ҳужум бўлган.

Америкаликлар боши берк кўчага кириб қолдилар. Нега шундай? «Юнайтед Стейтс ньюс энд Уорлд рипорт» журнали шу саволга жавоб тариқасида дунёнинг турли чекка-ларидаги мухбирларидан АҚШга қарши норозилик кучайиб бораётганига ўз нуқтаи назари билдирилган телеграммалар олди.

«Ташқи сиёсатда ўзининг қатъий йўлига эга бўлмаган Қўшма Штатлар, — деган халқаро масалалар бўйича тажрибали обзорчилардан бири, — ҳар икки томон: французлар ва шимолий африкаликлар билан ҳам; голландияликлар ва покистонликлар билан ҳам; грекклар ва турклар билан ҳам дўстлик ўрнатишга уринади.

Бу қалтис сиёсат ҳар икки томонда ҳам (АҚШга нисбатан — автор) тескари муносабатни вужудга келтиради. АҚШ эски дўстларидан айрилди, янгисини орттирмади ҳам».

АҚШнинг ҳукмрон доиралари ўзларининг Кубага нисбатан ўтказаётган калтабин сиёсатлари билан ҳам бутун дунёда шармисор бўлмоқдалар. Эндиликда бу сиёсат Қўшма Штатларга хамсиёсат бўлиб келаётган давлатларга ҳам ёқмай қолди. Вашингтон тузган «қора рўйхат»га қарамай ҳозир Куба портларига капиталистик мамлакатлар байроғи бўлган кораблар тез-тез келиб турибди. Бундай кораблларнинг сони ҳозирдаёқ 250 га етди. Мексикада чиқадиган «Политика» журнали бундай деб ёзади: «Қўшма Штатлар иқтисодий жиҳатдан бўғиб қўйиш мақсадида Кубага нисбатан ўтказган бойкот батамом барбод бўлди. «АҚШнинг дўстларн» ҳисобланган 19 мамлакат Куба билан иқтисодий муносабатларни давом эттиришда ва ҳатто бундай алоқаларни кенгайтиришда давом этмоқда. ГФРда чиқадиган «Ди Вельт» газетаси эса қуйидаги фикрни билдиради: «Кубани иқтисодий блокада қилиш шу пайтгача Қўшма Штатларга фақат зиён етказиб келганлигини ҳозирда оддий америкаликлар борган сари кўпроқ тушуниб олмоқдалар».

Кубага инглиз автобуслари сотишни америкаликлар танқид қилганида Англиянинг корхона эгалари бунга эътибор қилмадилар. Францияда чиқадиган «Монн» газетаси эса, Кубага «Берлие» юк машиналарининг сотилиши Вашингтон сиёсати ўзига тарафдорлар топаолмаётганининг ва Кубани блокада қилишдаги мағлубият ҳамон чуқурлашаётганининг яна бир ёркин исботи бўлди, деб ёзди.

АҚШнинг ташқи ишлар бўйича сенат комиссиясининг раиси Фулбрайт яқинда сенатга қилган баёнотида Кубани сиёсий ва иқтисодий бойкот қилиш сиёсати бу мамлакатга қуролли агрессия қилиш сиёсати каби барбод бўлди, деди. Фулбрайт яна бундай деган: «Мен Куба коммунизми бир нафаслик хавфдир, у яқин келажакда қулайди ёки йўқ бўлиб кетади, деган афсонадан воз кечишимиз керак, деб ўйлайман».

Ташқи ишлар бўйича сенат комиссияси раисининг бу баёноти АҚШнинг сиёсий доираларида қизғин шарҳланмоқда. Баёнотнинг характерли ери шундаки, унда Фулбрайт дунёда содир бўлаётган ўзгаришларни ҳисобга олмаётган ва эски, умри тугаган догмаларга асосланган Вашингтон ташқи сиёсатининг ҳозирги йўли мутлақо қониқарсиз эканлигини фош қилади. Фулбрайт «мураккаб ва тез ўзгараётган халқаро вазиятни» ҳисобга олган ҳолда АҚШ ташқи сиёсатини қайта кўриб чиқишга чақиради.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, АҚШ ташқи сиёсати ҳақиқатан ҳам боши берк кўчага кириб қолмоқда. Жаҳон империализмининг йирик мамлакатида рўй бераётган бу аҳвол КПСС Программасидаги, меҳнат билан капитал ўртасидаги антогонизм, халқ билан монополия ўртасидаги зиддиятлар, ўсиб бораётган милитаризм, мустамлака системасининг емирилиши, империалистик мамлакатлар ўртасидаги зиддиятлар, ёш миллий давлатлар билан эски мустамлакачи давлатлар ўртасидаги низо ва зиддиятлар, энг муҳими — жаҳон социализмининг ғоят тез ўсаётганлиги империализм замининн бўшаштирмоқда ва емирмоқда, уни заифлаштирмоқда ва ҳалокатга олиб бормоқда, деган хулоса нақадар тўғри эканлигини тасдиқлайди.

Т. НАЖМИДДИНОВ.

Ирқчилар қатнаштирилмасин

НЬЮ-ЙОРК, 15 май. (ТАСС). Ҳиндистон бош министри Жавоҳарлал Неру Англия бош министри Дуглас Хьюмга, миллатлар ҳамдўстлиги бош министрларининг 1964 йил 7 июлда Лондонда очиладиган конференциясида Жанубий Родезия бош министри Ян Смитнинг иштирокига қаршиман, деди. Неру бу фикрни Ҳиндистон ташқи ишлар министрлиги томонидан эълон қилинган мактубда баён қилди, дейилади ЮПИ агентлигининг мухбирининг Дехлидан юборган хабарида.

Нерунинг хатида айтиладики, Жанубий Родезиядаги озчиликни ташкил этган оқ танли кишилар ҳукумати ўтказаётган ирқчилик сиёсати, граждапларнинг эркинликлари бостирилаётганлиги ва африкаликларнинг халққа мансур бўлган раҳбарлари қамоққа олинаётганлиги Жанубий Родезия вакилларининг конференцияда иштирок қилишини мумкин бўлмайдиган иш қилиб қўймоқда.

Маълумки, Ян Смит ҳукумати Жанубий Родезияда ирқчилик тадбирларини ва қонунларини сақлаган ҳолда ҳозирги вақтда Англиядан Жанубий Родезияни дарҳол мустақил давлат деб эълон қилишни талаб этмоқда.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
3-БЕТ, 17 МАЙ 1964 ЙИЛ.

ОЛТИН ҚЎЛЛАР

(СОҲИБКОР РИЗАМАТ ОТАГА БАҒИШЛАЙМАН)

Боққа кирсам қолдирар лол қомати ғоз ишкомлар,
Ғуж-ғуж узум дурдонами? Қайдан шунча инъомлар?
Юлдузлардек жилва қилар. Кимдан чиққан бу номлар?
Инсон меҳнат ғаштин сурар кундузи-ю, оқшомлар...
Дард кўрмасин олтин қўллар, минг офарин боғбонга!
Ҳар бош узум—ер шарбати; гулоб каби даводир,
Ҳар бош узум—ер талъати, чаросларн—шаҳлодир,
Ҳар бош узум—мард меҳнати, ширинликда аълодир,
Ҳар бош узум—юрт зийнати, бир боқиш муддаодир.
Лим-лим баркаш узум чиқар келган азиз меҳмонга.
Шамол бўлиб ток барглариинг севиб юрсам майлими,
Чуғурчуқнн ғазал ўқиб, боғдан қувсам майлими,
Олма сузган ҳовузлардан юзим ювсам майлими,
Отахоним кўзингизга боқиб турсам майлими?
Ўзбек халқи олқиш айтар, сиз мириқкор инсонга!
Кўнгли баҳор, сочида қор Ризо мардсиз, валломат,
Янги гулзан яратибсиз, боғларингиз аломат...
Токлар таъзим қилиб дейди: «Устоз бўлсин саломат!»
Соҳибкорим, ижодкорим ортаверсин каромат!
Аё Енғин боғбон мадҳин тортиқ эт ғазалхонга!

Енғин МИРЗО



ПИЁЛА

Она
Ойнак билан боқди пиёлага.
«Қўлларинг дард кўрмасин» —
дер — дўмбоқ Ноила»
Шодлик шалоласи оқди пиёлага,
Қиз ғоят шод.
Ўйлар ичда: «касбим қонл-а?»
Кечагина
Чинни заводга борганди,
Қийналганди чидолмасдан
печлар тафтига.
Гоҳ сочини лойга қўшиб
қорганди,
Кўзни лўқ қилиб боққанди
мастер афтига,
Аммо,
Гард юқмади ҳеч соф ихлосига,
Ўрганди,
Ўртанди,
Пишди печь оташида,
Орзувси бахш этди дилга
кувонч, нашида.
Чертиб кўрсанг энди
чинни пиёласини
Фурқат ғазалидай
нозик жаранглайди

«Ўзга касб танла,
Бу касб сенга бўлмайди!» —
Деган дугоналар энди
уялмасинми?

Ю. ШОМАНСУР.

ШАҲАР УХЛАГАНДА

Тун яримдан оққан эди. Милиция младший сержанти Александр Андреевич Ледихов постни топшириб, қадрдон Калуга кўчалари бўйлаб уйига борарди. Шаҳар уйқуда. Ледихов бир бино деворидан чиқаётган шўълани тўсатдан кўриб қолди. Ўт тушибди!

Милиционер кўча охирига, ёнаётган уйга қараб чопди. Унинг эшиклари берк эди. Қаттиқ тақиллатди. Ҳеч ким жавоб қилмади. Шунда Ледихов деразани синдириб, тутун тўлган уйга кирди. Катта қийинчиликлар билан тутундан димиқиб қолган тўққиз кишини хушига келтириб, уларни кўчага олиб чиқди. Кейин ўзи бошқа деразадан уйнинг иккинчи қисмига сакради. Аланга энди деворлар ва шипга кўчган, тутун кишини хиқилдоқдан бўғаётган эди. Милиционер ёниб турган бинодан яна икки киши ва икки болани олиб чиқди.

Шу пайт Александр Андреевич аёл йиғисини эшитиб қолди. Аёл ўғли Валерийнинг уйдаги аланга орасида қолганидан зор-зор йиғларди. Ҳар бир дақиқа қимматли эди. Милиционер ҳаётининг хавф остида қолганига қарамасдан куйиб-кулга айланаётган уйга яна отилди. Хоналарнинг бирида бурчакда ётган Валерийни пайпаслаб аранг топди. Бола ҳушсиз ётарди. Ледихов лаққа чўғ бўлаётган девордан ўтиб деразадан ташқарига чиқди.

Ишчилар 14 кишини қутқарган милиционерга қизғин ташаккур билдирдилар. РСФСР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ кишиларни қутқаришда кўрсатган мардлиги ва фидокорлиги учун Александр Андреевич Ледихов «Енғин пайтидаги жасорати учун» медали билан мукофотланди.

СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ФАЗИЛАТИ

ЖАСОРАТ

Мари-Кушка темир йўлининг 219-километрида тепловозларнинг тинимсиз чиқириғи эшитилади. Машинистлар ўз ўртоқлари Қули Шомуродов ва Анатолий Сазоновларнинг жасоратини нишонламоқдалар. Бу жасорат ҳақида илгари газеталарда хабар қилинган эди.

Воқеа 24 мартга ўтар кечаси рўй берди. Пассажир поездини тепловоз машинисти Қули Шомуродов ва унинг ёрдамчиси Анатолий Сазонов бошқариб боришарди. Тахтабозор станциясига яқинлашганларида улар тўсатдан олдинда сув борлигини кўриб қолишди. Дарё суви тошиб автомобиль йўлини ювиб кетган, дамбани бузиб, темир-йўл тагини суриб ўтган эди. Фақат икки қатор рельсгина осилиб турарди.

Машинист шу захотиёқ экстр тормозни ишга солиб юборди. Кабинадагиларнинг иккови ҳам соатига 50 километр тезликда келаётган оғир вазнли составни ўпирилган жойгача тўхтатиб бўлмаслигини дарҳол сезишди. Поездда юзлаб кишилар, аёллар, болалар бор эди. Шомуродов ва Сазонов сўнгги секундларгача ўз постларидан жилмай поезднн тўхтатиш учун барча чораларни кўрдилар. Улар қаҳрамонларча ҳалок бўлишди. Фақатгина тепловоз чуқурликка шўнғиб кетди. Биринчи вагон эса қирғоқда тўхтаб қолди. Йўловчиларнинг бироитасига ҳам шикаст етмади.

СССР Олий Совети Президиумининг фармонига мувофиқ Қули Шомуродов ва Анатолий Сазоновлар ҳизмат вазифасини ўтаётган пайтларида мардлик ва жасорат кўрсатганликлари учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотландилар.

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

Мактабларда ўқишлар тугай деб қолди. Фарзандларимиз яхши ва аъло баҳолар билан синфлардан-синфларга ўтишяпти. Энди улар ёзги каникулларини мазмунли ва кўнгилли ўтказишсин. Бунинг учун ҳозирданоқ пойтахтимизда пухта тайёргарчилик кўриб қўйилган. 7 та санаторий тўла ремонтдан чиқарилиб, 3,5 мингдан ортиқ ўқувчини кутаяпти. Бу йил ўтган йилдагига нисбатан 250 та ўрин кўп.

Бу ерларда болаларнинг кўнгилли дам олишлари учун ҳамма нарса муҳайё. Улар спорт секцияларига қатнашиб, жисмоний жиҳатдан мустаҳкамланадилар. Музика тўгаракларида эса турли хил ўйинлар ўрганадилар. 50 дан ортиқ врач ва 200 га яқин ҳамшира доимо фарзандларимиз саломатлигидан хабардор бўлиб туради.

Суратда: Оққўрғондаги Дмитров номли колхоз аллеяси.
В. Салов фотоси.

Пойтахтнинг Чилонзор районидаги 162-мактабда ўқувчиларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш ишига катта эътибор берилмоқда. Мактабда тарбия соатлари ҳам ташкил этилган. Тарбия соатларида ўқитувчилар коммунистик тарбияга оид мазмунли суҳбатлар ўтказишади. Суратда: ўқитувчи А. Хабирова тарбия соатини олиб бормоқда.

В. Салов фотоси.

ДАМ ОЛИНГ, ҲОРДИҚ ЧИҚАРИНГ

Марҳамат, гўзал санаторийлар, курортлар, ям-яшил тоғ бағирлари сизнинг ихтиёрингизда. Тошкент саноат области касаба союз ташкилоти пойтахт ва область меҳнаткашлари учун 11 минг 400 та путевка ҳозирлади. Улар билан Иттифоқимизнинг энг ҳушманзара ерлари — Кисловодск, Железноводск, Ялта каби курортларга бориб ҳордиқ чиқариш ва янги куч, янги қувват билан ижодий меҳнат қўйнига қайтишингиз мумкин.

Бундан ташқари чет элларга сафар қилишни истаганлар учун ҳам йўл очиқ. Чехословакиянинг Карлови-Вари санаторийсида 400 ўрин бор. Ҳам саломатлигингизни тиклайсиз, ҳам Чехословакия шаҳарлари билан танишасиз бу ерда.

Республикамизнинг ҳушманзара ерлари ҳам оз эмас. Бурчмулла, Сўқоқ, Обираҳмат, Шоҳимардонда ҳам дам олиш мавсуми бошланмоқда. Бу сўлим даргоҳлар ўз бағрига 30 минг кишини қабул қилади.

Шунингдек, иттифоқимиз ҳаёти билан танишишни истаган кишилар учун Москва—Уфа—Астрахань, Ленинград—Одесса, Волга—Дон маршрутли путевкалар ҳам тайёр.


ЁЗНИНГ ИССИҚ КУНЛАРИДА...

Ҳа демай тўкин-сочин ёзнинг иссиқ кунлари бошланади. Ширин-шакар мевалар, мазаси тилингизни ёрадиган қовуну узумлар, олма, нок, олчаларни қанчалик кўп истеъмол қилманг, барибир буларнинг ҳаммаси бир қултум муздек сувнинг ўрнини босаолмайди.

«Ташлимаводторг» ходимлари шаҳарликлар учун автомат павильонларнинг сонини оширишга ҳаракат қилишмоқда. Барча маданият ва истироҳат боғларида, ўнлаб павильонлар туну кун ишлаб турадн.

Шу кунларда барча автомат павильонлар реконструкция қилинмоқда. Победа, Тельман, Горький, Киров, С. Раҳимов номли парклардаги эски автомат павильонлар Киев шаҳридан келтирилган янги нусҳалари билан алмаштирилди. Ленин комсомоли номли истироҳат паркидаги мороженое павильони ҳам қайта жиҳозланиб, яна 120 ўрин қўшилди.

Ҳозир пойтахтимиз кўчаларида 250 та автомат павильон ишлаб турибди. Яқинда буларнинг сони 350 тага етказилади. Бундан ташқари Киев шаҳридан 100 та мороженое учун ихтисослаштирилган будкалар келтирилади. Улар иссиқ кунларда мороженоенинг таъмини бузилмаслигини таъминлайди.



Довюран альпинистлар чўққини ана шундай штурм қиладилар.
С. Икромов фотоэтюди.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

АСАЛ ПИРАМИДА

Яқинда Тюменск областидаги Омутинск ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Победа» колхози Некрасов фермасининг товуқбоқари Клавдия Трофановага ўзига уй сотиб олди. Илгари бу уйда ҳеч ким яшамаган эди. У янги квартирага кўчиб кириш олдидан уйини яхшилаб тозалашга қарор қилди. Кутилмаганда «ахлат» пирамидасига кўзи тушиб қолди. Бу пирамида ердан то шипга қадар баланд эди. Кейин билса, ана шу пирамида ёзда асал арилар бўлган экан. Дастлабки совуқ тушиши билноқ улар ўлиб қолишган.

Уйнинг янги эгаси бир ярим челак жуда яхши асал олди. Асал арилар уни ей тугатишга улгуролмай қолишган экан.

(«Сельский жизнь»дан).

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИК ҲАҚИДА

«Яхши одам деб кимни айтамиз?», «Қандай ҳодисани ёки бадиий асарни яхши деб баҳолаш мумкин?», «Чинакам инсон бўлиш учун нималарни ҳисобга олиш керак ва ёки кимлардан ўрнак олиш лозим?» Яхшилик тўғрисида гап кетганда, одатда ана шундай саволлар туғилади.

Ҳар бир шахс бирон бир фойдали иш қилар экан, бу яхшиликка олиб боради. Биз, шубҳасиз яхши меҳнаткаш одам, яхши қўшиқ, яхши музика ёки яхши артист деб баҳо берамиз. Бу ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланадиган шахсларга нисбатан биртомонлама баҳо беришдир, холос.

Одамлар ўзлари яшаб турган жамият томонидан қабул қилинган ахлоқий қоидаларни адо этишлари ёки бузишлари сабабли кишиларда табиий содир бўладиган хислар маънавий ёки ахлоқий хисларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам одат тусига кириб қолган ахлоқий нормалар ва қоидалар кишиларни «яхши» ёки «ёмон», ишларни «адолатли» ёки «адолатсиз», нимани «ҳақ» ва «ноҳақ» деб ҳисоблаш кераклигини белгилаб беради.

Яхшилик тушунчаси бу кенг маънодаги тушунча бўлиб, ўз навбатида атрофимизни қуршаб олган муҳит ва одамлар орқали юзага келади, тўхтовсиз ривожланиб, бир турдан иккинчи ҳолатга ўтиб туради.

Яхшилик, аввало, маркса-ленинча этика (ахлоқ, одоб) ҳақидаги фаннинг энг муҳим категорияларидан биридир. Этика фани— виждон, бурч, ҳақиқат, бахт каби категорияларни ўз ичига олиб, коммунистик ахлоқни, совет кишиларининг коллектив билан, халқ билан, умуман инсоч билан қандай муомалада бўлиб яшаш кераклигини ўргатади.

Одатда биз мулойим, ёқимли, хушмуомала, камтарин, ҳимматли, саҳий, беғараз, софдил, қаноатли каби сўзларни кишиларга нисбатан айтамиз. Демак, яхши одамлар ҳақида гап бораётганлигини англаймиз. Бу сўзларга зид бўлган кўрс, дағал, қўпол, такаббур таъмагир, ғаразгўй, ичиқора, икки юзламачи, хиёнатчи, туҳматчи ва шу каби салбий характерли сўзлар ишлатилганда олижаноб инсон шаънига доғ тушурувчи, ғайри-ахлоқий ҳаракатлар билан қораланган ёки қораланаётган шахсларга таллуқли эканлигини билиб оламиз.

Кишилардаги яхшилик ва ёмонлик уларнинг бир-бирлари билан бўлган муомалалардаги ўзаро самимиятда, бир-бирларини тушуниб иззат-ҳурмат қилишларида намоён бўлмоқда. Самимий дўст билан учрашиб, гаплашиб ва суҳбатлашиб, иш тутиш кишига ҳузур ва нашъа бағишлайди.

Яхшилик, жамият ва халқ манфаати йўлида тинмай меҳнат қилиш билан бирга дўстларининг, ўртоқларининг, коллективнинг шаънига доғ туширмаслик, одам, халқ ва жамият ҳаққига ва ҳуқуқига хиёнат қилмаслик, зарарзиён етказмасликдир. Яхшилик олижаноблиқдир, марҳаматлилик кишининг энг гўзал хислатидир. Олижаноблик эса муносиб кишиларга (ўғри, текинхўр, лаганбардор, иккиюзламачилардан истисно) доимо фойда етказиш, яхши муносабатда бўлиш, уларга доимо ёрдам бериш, одамнинг бахти-саодати, келажаги учун ғамхўр бўлиши, халққа фақат яхшиликдан бошқа нарсани раво кўрмасликдир.

Бу хусусда жамиятимизда энг шарафли ва фахрли ўрин олган меҳрибон шифокорларнинг хизматларини эслаш ўринлидир. Уларнинг қўлида беморлар шифо топадилар. Кўпсонли врачлар ичида ўзининг шинавлиги, оддийлиги билан ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлган профессор И. Шоматовни ҳамма билади. У янги даволаш усулларини қўллайбошлади. Уруш кулфатларини бошидан кечириб, майиб бўлган кўплаб ватан ҳимоячиларини яна ижодий меҳнатга қайтаришга сабабчи бўлди.

АХЛОҚ ТЕМАСИДА

Профессорнинг маҳоратига қойил қолган омсклик Николай Липа шундай дейди: «...Ҳозир 4 ёшга қадам қўйган ўғлим маймоқ бўлиб туғилган. Мен катта умидлар билан Узоқ Сибирнинг Омск шаҳридан Тошкентга, шифокор олимнинг ҳузурига келдим. Мана орадан кўп вақт ўтмасдан отабола ўз юртимизга шод-хуррам қайтмоқдамиз. Чунки, ўғлим майибликдан бутунлай халос бўлди. Уни даволаган меҳрибон шифокор профессор И. Шоматовга ташаккуримни етказишингизни сўрайман».

Ҳа, ўртоқ Шоматов азиз одамлар, яхшилар, мушфиқ, меҳрибон; камтар меҳнатсевар кишиларнинг қайғу-ҳасратларига малҳам бўлган минглаб шифокорларнинг биридир.

Раҳматжон шол бўлиб қолган. У юриб кўчага чиқа олмайди, аммо шахмат сеансидан, футбол ўйинидан ҳеч четда қолмайди. Қизиқ, уни томошаларга онаси—Сожида хола опичлаб, авайлаб, эҳтиётлаб кўтариб келадими? Ундай десанг, кекса онанинг ўзи эҳрга юради, ўғлини, нури-дидасини иложи борича кафтида кўтариб юргиси бор, лекин бунга куч-қуввати, мажоли етмайди. Бўлмаса, Раҳматжонга оёқ-қўл, қўш қанот бўлаётган кишилар, уни бир кун эмас, бир ҳафта ёки бир йил эмас, бир неча йиллардан буён ўкситмай, майиблигини билдирмай опичлаб келаётганлар кимлар?

Бу азиз ва мўътабар кишиларнинг кимлигини билишга ошиқасиз, албатта. Булар пенсионер К. Г. Захарова, комсомол аъзоси З. Вячеслав, 54 ёшли Антонина Степановна, Тамарахон Қаюмова, Абдураҳмон Сайдалиев, М. Д. Костромитиналар... Улар шаҳримизнинг Богдан Хмельницкий кўчасидаги 40-уйда истиқомат қилувчи оддий ва камтар совет кишилари.

Яхши одамлар доимо мулозаматли бўлади. У бошқаларга нисбатан ёшш, мансаби, мавқеидан қатъий назар, инсонни ҳурмат қилади. Шуни унутмаслик керакки, яхши одам доимо ўзига нисбатан, атрофдаги кишиларга нисбатан талабчан, сезгир, барча ўринсиз ҳолатлар ва хатти-ҳаракатларга нисбатан танқидий кўз билан қарайди, ўзини эса юқори баҳоламасликка ҳаракат қилади.

Биз ўзига нисбатан бошқача-ю, ўзгаларга нисбатан ўзгача муносабатда бўлган одамларни ҳам учратиб турамиз. Улар ўзлари билан маслакдош бўлган, яқин танши-билишлардан, бир корхонада, бир муассасада меҳнат қилаётган кишиларда фақат ёмон томонини пайқаб, ўзларини кўкларга кўтариб мақтачишдан ҳам таб тортмайдилар.

Шахсиятпарастлик, кибр ва мағрурлик уларни шундай қилишга мажбур этади. Уз ишлари, хатти-ҳаракатлари, инсонга бўлган муносабатлари жойида-ю, бошқаларники эса ҳеч нарсага арзимайди, шунинг учун ҳам улар ўзгаларнинг ижобий томонларини пайқамайдилар, ўзларидаги ёмон камчиликларни сезмайдилар ҳам. Бу ҳол баъзан ишлаб чиқариш мажлисларида, илмий мунозараларда яққол кўринади.

Шундай кишилар ҳам бўладики, бир ёки бир неча илмий асар ёзиб, ўзларига ўзлари етук «олимлик» гувоҳномасини бериб қўядилар. Бу билан улар ўзларини якка-ягона олим сифатида хис қилиб, атрофдаги ҳамкасбларини менсимайдилар. Бошқаларнинг фикр ва маслаҳатлари билан ҳисоблашмасдан «у киму, мен ким» қабилида иш тутадилар.

Жамиятимизда шундай сарқитлар ҳам учрайдики, улар бошқаларга туҳмат қилиб, ўз мавқеларини оширишни ўйлайдилар. Тошкент шаҳар, Янгиобод маҳалласида яшовчи Қурбоч Йўлдошев ўз шахсий манфаати йўлида маҳалласидаги кишиларни ҳақсиз қоралаб, ивғоғар деб ном олди. Аммо, уни кўпчилик ўртага олди. У маҳалла йиғилишида жамоатчиликдан узр сўрашга мажбур бўлди.

Яхши одам доимо кишилар билан дўстлашишга интилади, уларнинг фикрларига, фойдали насиҳатларига ҳурмат билан қарайди. Шундай «яхши» одамлар ҳам бўладики, инсон билан юзаки, сохта муомалада бўлиб, аслида эса бировнинг муваффақиятини кўра билмайди. Ҳақиқий соф виждонли кишн бировлар ҳақида ҳақсиз айтилган ғийбат сўзларга қулоқ солмайди. Аввал у кишининг кимлигини билиш ва қандай характерга эга эканлигини ҳисобга олиш лозимдир.

Шундай тоифа одамлар борки, бирор хатти-ҳаракат қилиб қўядилар-да, виждон азобига тушиб дарҳол кечирим сўрашади. Баъзи бировлар эса ўта мағрурланиб, кечирим сўрашга бўйни ёр бермайди.

Танқид — келажакнинг меваси дейди халқимиз. Ёмон салбий камчиликларни йўқотишда танқиднинг фойдаси катта. Агар ҳар бир шахс бировлар томонидан айтилган нуқсонларини чинакамига хушёрлик билан, бегараз тушуниб олса, уни йўқотишга албатта ҳаракат қилади.

Аниқ фактларга асосланган соғлом танқид кишилар ўртасидаги муносабатларнинг туб моҳиятини атрофлича, объектив англаб олишга имкон беради. Эл-юрт, халқ оммаси ўртасида ўз ўрнини топишга ва субъектив камчиликларнинг барҳам берилишига ёрдам беради. Субъективизм эса яхшиликнинг ашаддий душмани, ёмонликнинг, ман-манликнинг асосий манбаидир.

Демак, яхшилик ва ёмонлик кишиларнинг жамиятга ва одамларга бўлган муносабатидан келиб чиқади. Она-Ватанни севиш, унга садқидилдан хизмат этиш, ижтимоий интизомга тўла амал қилиш, меҳнатни улуғлаш, доимо тўғри сўзли бўлиш, қисқаси одамнинг қадрига етиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир.

Я. ШЕРМУҲАМЕДОВ,
Тошкент Давлат медицина институти фалсафа кафедрасининг ўқитувчиси.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИЗОР

17 МАЙДА

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 11.00 — **Эрталабки гимнастика машғулотлари**, 11.20 — **Ғунча журнали** саҳифаларида. 11.45 — **Минерал ўғитлар** («Мактабга ёрдам» циклидан).

Рус тилида: 12.05 — **Бўғирсоқ** (болалар учун қўғирчоқ фильми), 12.15 — **Ҳамма нарсани билгим келади**, 12.25 — **Ер остида** (телевизион фильм), 13.05 — **Федька** (бадиий фильм), 14.00 — **Хайр, Грушица** (мактаб ўқувчилари учун концерт), 14.40 — **Кўк орол соҳилида** (ҳужжатли фильм), 14.50— **Гўзаллик оламида** (адабий эшиттириш), 17.00 — **Спорт эшиттиришн**, 17.45 — **Телевизион янгиликлар**, 18.00 — **Спорт эшиттириши**, 18.45 —**СССР ва Куба бирodарлар** (ҳужжатли фильм), 18.55 —**Эстрада концерти** (талабларга мувофиқ), 20.10 — **Фитиль** сатирик киножурналининг 19-сони. 20.20— **Қайсар қиз** (бадиий фильм).

21.00 —**Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 21.05 — **«Муштум» журналининг обзори**, 21.25— **Телевизион янгиликлар**, 21.40 — **Совет Ўзбекистони** киножурнали. 21.50 — **Дала шийпонида** (адабий-музинали эшиттириш).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/V да кундуз **«Боғчасарой фонтони»** кечқуруи **Князь Игорь**, 19/V да **Аида**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 17/V кундуз **Биринчи муҳаббат** кечқуруи **Номус**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 17/V да **Ишқинг билан**, 18/V да **Тошболта ошиқ**.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА —17/V кеч соат 8 яримда **Ўзбек давлат филармонияси ўзбек чолғу оркестри ва солистлари концерти**. VI Жаҳон ёшлар ва студентлар фестивали лауреати **Клара Жалилова**, филармония солистларидан **Фахриддин Умаров, Раима Ҳанимова, Дилбар Абдуллаева, Раҳим Бунигор, Убай Ҳужаев** ва халқ чолғу оркестри қатнашади.

Диссертация ёқлайдилар

1964 йил 27 май кундуз соат 3 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси геология ва геофизика фанлари бирлашган илмий совети мажлисида (Братск кўчаси, 33-уй, Геология институтининг конференц-зали)

Ф. А. Никитенко —геология-минералогия фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун: «Новосибирск Обь дарёси бўйидаги лёсс жинслари ва уларнинг инженерлик-геологик характеристикаси» деган темада.

Диссертация билан Геология институти кутубхонасида танишиш мумкин (Братск кўчаси, 33-уй).

1964 йил 27 май кундуз соат 2 да, Тошкент давлат медицина институтининг илмий совети мажлисида (акт зали) медицина фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

Г. К. Карицкая: «Портал гипертония синдромида рентгенологик текширишлар» деган темада.

Т. М. Янбаева: «Йирингли касалликларда буйракдаги фуниционал ўзгаришлар» деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

1964 йил 28 май кундуз соат 2 да, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети ҳузуридаги химия фанлари юзасидан илмий даражалар бериш бўйича бирлашган илмий совет мажлисида (Тарас Шевченко кўчаси, 1-уй, акт зали)

И. Н. Земзина — химия фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «В-Метоксинафталинни оз миқдордаги катализаторлар иштирокида ацилаш» деган темада.

1964 йил 28 май кундуз соат 3 да. В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети тарих факультетининг илмий совети мажлисида (Карл Маркс кўчаси, 32-уй, КПСС тарихи кабинети, 36-аудитория) иқтисод фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

В. И. Поляков: «Қишлоқда ижтимоий муносабатларни қайта қуришнинг иқтисодий асослари» деган темада.

К. А. Кузденов: «Ўзбекистон колхозларида чорвачилик маҳсулотларининг таннархини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш резервлари (Тошкент область Калинин ишлаб чиқариш бошқармаси мисолида)» деган темада.

Диссертациялар билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 17 МАЙ 1964 ЙИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор — 29004. Редактор ўринбосари — 25885. Масъул секретарь—34808. Идеология бўлими—31936. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими—33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими—33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими—29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими—26232. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими—28761. Ахборот ва спорт бўлими—33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими—34048. Эълонлар бўлими—28142. Коммутатор—30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекисточ Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 05544 ИНДЕКС 64695. Нашр. № 1755.